



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 2 август, пайшанба, 31-(455)-сон



«Аёллар қаноти» ташаббуси билан 3 мингга яқин иш ўрни яратилди

3 2012 — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ



Хоразмда 5,6 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди

6 ИСЛОҲОТ



1,5 миллиард гектар ернинг 6-7 миллиони деградацияга учраган

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Депутатлик назорати



Йўловчи ташишга лицензиянгиз борми?

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари «Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижроси юзасидан Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги вилоят бўлими раҳбари Илҳом Боқиевнинг ҳисоботини эшитди.

4 >>>

Муносабат

ОҚСОКЛИК УЧУН КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

О'ZLIDER БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДИҚҚАТИГА!

Бухоро вилоятининг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Когон туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналар сони ортиб бораёпти.

Жумладан, 2011 йилда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жами 37,2 миллиард сўмни ташкил этиб, бу борадаги режа 169,1 фоизга удаланган бўлса, 2012 йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 46077,0 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда том усти қопламаси (черепаца) ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Ониск техникал сервис" МЧЖ, жунни қайта ишлашга ихтисослашган "Комтекс ППОШ" ва "Элёр шабнам текс" сингари қўшма ва маҳаллий корхоналар иш бошлади. Йил охиригача эса бадий темир қуйма ва қовқа, қурилиш миҳлари ишлаб чиқарувчи МЧЖ ташкил этиш, меҳмонхона ва савдо мажмуаси барпо этишни кўзда тутувчи лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

6 >>>

ТАҚДИРИМСАН, БАҲТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД-ВАТАН!

Ифтихор

«Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳар доим фермерларни қўллаб-қувватлашларини таъкидлаганида, очиги, фермер эканлигимдан фахрланиб кетаман. Мамлакат раҳбарининг бундай муносабати у кишининг қаршингизга келиб ҳорманг, деҳқон, деганику аслида»

Бу сўзлар халқ депутатлари Бўқа туман кенгаши депутати, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби, О'zLiDeP аъзоси, «Учқун» фермер хўжалиги раҳбари Абдуқаҳҳор Гаппоровга тегишлидир.

Хўжалик мустақиллигининг дастлабки йилида ташкил этилган бўлиб, ўшанда мавжуд 121 гектар ердан дастлабки пахта ва галла ҳосили олинган эди. Мана, шунга ҳам 21 йил бўлибди. — Бугун нафақат мен, балки бутун оиламиз аъзолари мамлакат қишлоқ хўжалигида бошланган ислоҳотларнинг илк қалдирғочлари бўлганлигимиздан фахрланамиз, — дейди А. Гаппоров. — Ҳаётнинг ўз табиқлари бор. Жамоа мулки билан мулкдорлик ўртасидаги фарқ дастлабки йилиёқ сезилган. Ходимларимиз хўжа-

лик аъзолари билан далада ёнма-ён меҳнат қилишса-да, манфаатдорлик ва самарадорлик уларниқига қараганда бир мунча юқори бўлган. Бу бизга катта куч ва ғайрат бағишлади. Дастлабки йилиёқ пахта ва галладан салкам икки баробар кўп ҳосил олдик. Йил сарҳисоби бўйича «Учқун» миллионер хўжаликка айланди.

Мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз аграр тармоғини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинган бунга сабаб бўлди. Бўлмаса фермерлик соҳасига бу каби илғор, замонавий техника ва технологиялар кириб келармиди? Тўғри, аввалига фаолиятимиз қийин кечди. Ерларни экишга тайёрлаш, ишлов беришда техникадан танқислик сезилар, мулкдан фойдаланишда тўла эркинлик етишмас эди.

2 >>>

Депутат минбари

Фармон бизнеснинг халқаро миқёсдаги имкониятларини ҳам кенгайтиришга хизмат қилади

Президентимизнинг «ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»-ги фармони нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижий ишбилармонлар томонидан ҳам мамлакатда қўлай ва кафолатланган бизнес юритишга имкон яратиши, маҳаллий ишбилармон доира вакиллари билан ҳамкорликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг йўл очишга хизмат қилиши таъкидланмоқда

Клара ЖУМАМУРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:



— Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодийетини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилгани соҳанинг бугунги тараққиётини таъминлаш имконини берди, албатта.

2 >>>



Рақобат реклама бозорининг асоси

2011 йили мамлакат реклама бозорида 482 та агентлик иш олиб борган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 494 тани ташкил этди. Реклама бозорида телевидениенинг улуши 52 фоиз, босма нашрлар 22, ташқи реклама 14, радионинг улуши эса 12 фоизни ташкил этмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Реклама тўғрисида»-ги қонуннинг Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятдаги ижроси муҳокамага бағишланган йиғилишида ана шу рақамлар тилга олинди.

си мавжуд бўлиб, «Реклама тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши реклама тайёрлаш ва уни тарқатиш, реклама бозори инфраструктурасининг жадал тараққий этишида муҳим аҳамият касб этмоқда. — Ахборот-коммуникация воситаларининг тез ривожланаётгани натижасида реклама соҳаси ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг муҳим таркибий қисмига айланди, — деди йиғилишда қўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда рекламага оид муносабатларни тартибга солишчи мукамал қонунчилик база-

ламага оид муносабатларни тартибга солишчи мукамал қонунчилик база-

2 >>>

КИШЛОҚ АҲОЛИСИГА — ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

Самарқанд вилоятда ўнлаб савдо, умумий овқатланиш ва машиий хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Бу борадаги ҳудудий дастурда жорий йилда Қўшработ туманида тўққиз лойиҳа бўйича ўттизга яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш кўзда тутилган. Йилнинг биринчи ярмида 5 та лойиҳа амалга оширилди. Булоқбоши, Жўш ва Зармитан маҳаллаларида сартарошхона ва гўзаллик саломи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, пойабзал таъмирлаш ҳамда телерадио тузатиш устaxonаларини ўз ичига олган замонавий машиий хизмат кўрсатиш мажмуалари фойдаланишга топширилди. Натижада ўттиздан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Туманинг Булоқбоши маҳалласида барпо этилган мажмуада савдо дўкони ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда ўнга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда.

(Уза)

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲА

О'ZLIDER ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА» ЛОЙИҲАСИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ. ТАҲЛИЛЧИЛАР АНА ШУ ЛОЙИҲА АСОСИДА МИНГЛАБ ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Ўтган йили коллеж, корхона ва битирувчилар ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида 390 мингдан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланган бўлса, бу йил 516 минг нафардан зиёд коллеж ва лицейларни тамомланганларга ана шундай имконият яратиб берилмоқда

Юртбошимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони ижросини таъминлаш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қўмаклашиш ҳамда уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадига О'zLiDeP таъсис этган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси асосида битирувчи-ёшларнинг 1735 нафари мустақил ҳаётга ўз бизнеси билан кириб бораётир.



Хусусан, жорий йилда ана шу лойиҳа доирасидаги тадбирларда 5000 нафардан ортиқ академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари иштирок этдилар. Улар орасидан эса 1735 нафар иқтидор эгалари танлаб олинди. Иштирокчилар учун ташкил этилган уч кунлик ўқув курсларида тадбиркорлик фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш, кредит олиш йўл-йўриқлари ва бизнес-режа тузиш бўйича батафсил маълумотлар берилди. Машгулотлар якунида лойиҳа иштирокчиларига «Микрокредит-банк»нинг имтиёзли кредит олиш бўйича йўлнамалари топширилди.

4 >>>

6

ШУ СОНДА:

УЙЧИ МИНИБАНКИ БОШҚАРУВЧИСИ Р.ШЕРХАНОВНИНГ ТАДБИРКОР Ф.ҚИРҒИЗОВА ВА ЯНА 37 НАФАР МУЛҚДОР ТОМОНИДАН КРЕДИТ ТўЛОВИ СИФАТИДА БАНККА ТОПШИРИЛГАН 20 МЛН. СўМ МИҚДОРИДАГИ МАБЛАҒНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛГАНИ АНИҚЛАНДИ.

Парламентга

Рақобат реклама бозорининг асоси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

— Бугунги кунда реклама ахбороти нафақат товар ва хизматларни бозорда сотиш, балки жамиятда муайян фикрларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этаётган соҳа сифатида намоён бўлмоқда.

Илгирлида алоҳида таъкидланганидек, «Реклама тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ташқи рекламани жойлаштириш бўйича комиссия ташкил этилган, реклама соҳасига оид қонунчилик нормаларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор қонун нормаларининг мазмун-моҳиятини жамоатчилик, реклама агентликларига етказиш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама фаолиятини рағбатлантириш ва, албатта, қонун бузилишларининг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини янада кучайтиришга қаратилган.

Шу ўринда мамлакат реклама бозорининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳри улуши 52 фоизни ташкил этаётганини айтиш пайтда пойтахт реклама бозоридан 200 дан ортқ субъект фаолият юритиб, уларнинг 68 таси ташқи рекламани жойлаштиришга ихтисослашган агентликлар эканини таъкидлаш мумкин.

Самарқанд вилоятидаги реклама бозори таҳлил қилинганда, унда телевиденининг улуши 42 фоиз, радионики 14, босма нашрларники 28, ташқи рекламанинг ҳиссаси эса 16 фоизга тўғри келиши маълум бўлди. Вилоят ҳокимлиги қошидаги махсус комиссия 2011 йилда 23 мартаба, жорий йилнинг олти ойида эса 15 мартаба йиғилиш ўтказиб, 800 дан ортқ мувожадатларни кўриб чиққан. Ташқи рекламанинг қарийб 70 фоизи давлат тилида ёзилган, товар ва хизматлар ҳақидаги рекламанинг 80 фоизи маҳаллий тadbirkorлар маҳсулотларига тегишли экани



Соник ЗОИР овозини сўради

2011 йил ва жорий йилнинг олти ойида 774 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилиб, улар асосан рекламанинг нотўғри тарқатилиши, ташқи реклама жойлаштириш тартиби ва талабининг бузилиши, телевиденида чекланган вақтга амал қилмаслик каби қонунбузилишлардир.

этиборга молик, албатта.

«Реклама тўғрисида»ги қонунга оид статистик маълумотлар таҳлилга кўра, мамлакатимизда 2011 йил ва жорий йилнинг олти ойида 774 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилиб, улар асосан рекламанинг нотўғри тарқатилиши, ташқи реклама жойлаштириш тартиби ва талабининг бузилиши, телевиденида чекланган вақтга амал қилмаслик каби қонунбузилишлардир.

— Қонунбузилиш ҳолатларининг аксар қисми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 2011 йилда реклама қонунчилигини бузганлиги учун 121 нафар, Самарқанд вилоятида бир нафар мансабдор шахсга, жорий йилда эса тегишли равишда 29 ва 16 нафар мансабдор шахсга жарима

чоралари қўлланилган, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Шунингдек, ўтган йили ҳўжалик суллари томонидан рекламага оид Тошкент шаҳрида кўрилган ишларнинг 24 таси қаноатлангиларини, 3 таси рад этилган, 49 таси тўхтатилган. Самарқанд вилоятида эса жами 3 та иш кўриб чиқилган.

Йиғилиш давомида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари, тегишли вазирилик ва идораларга «Реклама тўғрисида»ги қонун талабларини бажариш юзасидан аниқ тавсиялар берилди. Хусусан, реклама бозорини мониторинг

қилиш, реклама соҳасидаги статистика тизимини такомиллаштириш, ташқи рекламани жойлаштириш қоидаларига қатъий амал қилиш, реклама берувчи ва тарқатувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташқи рекламанинг давлат тилидаги матнини кўпайтириш шулар жумласидандир.

Тadbirkor қатнашчилари реклама соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳаза билдирдилар. Хусусан, бугунги кунда медиабозорнинг кескин ривожланиши кузатилиб, янги товар ва маҳсулотлар пайдо бўлаётгани, ахборот тарқатишининг янги воситалари (интернет) тараққиёти реклама ҳажмининг жадал кўпайишига олиб келаётгани, амалдаги реклама тушунчаларини замонавий маркетинг коммуникациясидаги «паблик рилейнз», «сэйл промоушн», «сэмплинг», «директ-маркетинг» ва бошқа атамалардан фарқлаб олишда муаммолар туғилаётгани таъкидланди.

Қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Ифтихор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Зиёдулла МҲМИНОВ, «XXI ASR»

Бугун-чи, бутунлай ўзгача манзара. Тармоқда мулкнинг ҳуқуқий дахлсизлиги таъминланган. Фермерлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар етиштирган маҳсулотлар давлат баҳосида харид қилинмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЯҚИНДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА САФАРЛАРИ ЧОГИДА УШБУ ВИЛОЯТ ФЕРМЕРЛАРИ БИЛАН СУХБАТЛАРИНИ ЭШИТИБ, КўНЛИМ ТОҒДАЙ КўТАРИЛДИ. АЙТИНГ, АХИР ҚАЙСИ ДАВЛАТ РАХБАРИ ДЕҲҚОННИ ШУНЧАЛИК ЭЪЗОЗЛАЙДИ? ШУ ЭМАСМИ БИЗГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗУ, ИМКОНИЯТЛАР ҲОСИЛАСИ? БУГҲН ФЕРМЕРЛАРИМИЗ УЧУН БАРЧА ЭШИКЛАР ОЧИҚ. ҚўЛЛАРИНИ ҚАЕРГА ЧўЗИШСА, БЕМАЛОЛ ЕТАДИ.

Юқориди айтганимдек, ҳўжалигимиз ташкил этилганида бирорта техникамиз йўқ эди. Олинган даромадлар ҳисобига қисқа муддатда ҳар турдаги қишлоқ ҳўжалик техникалари, автомобилларга эга бўлдик.

Меҳнат ва изланиш эвазига моддий манфаатдорлик тобора ортиб бормоқда. Бултур пахта ва галладан 150 миллион сўмдан ортқ даромад олан эдик. Жорий йилда 60 гектардаги галлазордан

300 тоннага яқин дон ҳосили етиштирдик. Келгусидаги режаларимиз янада катта.

— Буларнинг барчаси, аввало, фермерлик ҳарақати давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани самараси, демоқчи-сиз-да?

— Ҳа, шундай. Президентимизнинг яқинда Сурхондарё вилоятига сафарлари чоғида ушбу вилоят фермерлари билан суҳбатларини эшитиб, кўнглим тоғдай кўтарилди. Ай-

тинг, ахир, қайси давлат раҳбари деҳқонни шунчалик эъзозлайди? Шу эмасми бизга берилган имтиёзу, имкониятлар ҳосиласи? Бугун фермерларимиз учун барча эшиклар очик. Қўллари қаерга чўзишса, бемалол етади. Даромад тўғрисида гап очсангиз, 30-40 эмас, балки 100-200 миллиондан гап очишди. Улар нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам ўз маҳсулотларини олиб чиқишмоқда. Илгари буни тасаввур қилиб бўлармиди? Йўқ, албатта.

Абдуқаҳҳор ака билан суҳ-

батлашар эканмиз, қишлоқ мулкдорларининг бугунги марвқеи, иқтидорини яна бир кarrа ҳис этдик. У саҳоват йўлида қилинган хайрли ишлар ҳақида гапиришни ўзига эи кўрмади. Ваҳоланки, айтса арзийдиган гаплар кўп.

— Биласизми, тadbirkor доимо изланишда бўлиши керак, — дейди у. — Фақат бойлик орттиришга интилиш яшшиликка олиб келмайди. Мен О'zLiDePнинг бир аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати сифатида партияимиз дастурида кўзда тутилган талаблар асосида иш кўраман. Қишлоғимизда ҳар йили камида 10 та янги иш ўрни ташкил этаймиз. Касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юрларини тугатиб келган ёшлар бундан хурсанд. Бугунги фермерлар янги, замонавий техника воситалари билан таъминланган. Даладами, уйдами уяли алоқа воситасида дунёнинг тўрт бурчаги билан бемалол гаплашишди, интернетдан фойдаланишди. Айниқса, ҳар йили мамлакатимизда 2-3 бор минитехнологиялар кўргазмалари ташкил этилаётгани улар учун кўл келмоқда.

Халқимиз бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деб бежиз айтмаган. Шундай экан, тинч ва осойишта, эркин ва мустақил юрда яшаётганимизга ҳар қанча шукрон қилсақ арзийди. Суҳбатдошимизнинг сўзлари фикримизга яна бир далилдир.

Таълим

Тест синовлари юқори савияда ўтди

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Термиз давлат университетига амалга оширилган улкан буёндекорлик ишлари, яратилган замонавий шарт-шароитлар вилоят ёшларининг етук мутахассис бўлиб етишишларида муҳим омил бўлмоқда

Х. МАМАТРАЙМОВ, ЎзА мухбири

Шу боис ёшлар орасида ушбу университет талабаси бўлишга интилиш йилдан-йилга кучайиб бораёттир. Қабул комиссиясидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили 20 минг 182 йигит-қиз мазкур олий таълим муассасасида ўқиш истагини билдирган бўлса, бу йил 21 минг 841 абитуриент ҳужжат топширган.

Университетда жаҳон андозларига мос шароитлар яратилган. Айни вақтда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлар таълим муассасасида янги ўқув йўналишларини очиш ҳамда ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашни тақозо этаёттир. Хусусан, ўтган йили 24 бакалавр таълим йўналишига ҳужжат топширилган бўлса, бу йил олти янги таълим йўналиши ташкил этилди.

Жорий йилда абитуриентлар ўртасида ўзбек филологияси, тарих, биология, география, бошланғич таълим ва спорт-

тарбиявий ишлари, мактабгача таълим каби мутахассисликларга қизиқиш ортгани кузатилди. — Ёш авлодга таълим-тарбия бериб, илм ўргатишнинг ўзи бир бахт, — дейди шу йил Термиз шаҳридаги 2-академик лицейни тутатган Ўрагул Сунонова. — Уч йил давомида барча қулайликларга эга академик лицейда ўқиб, фан сирларини чуқур эгалладим. Устозларимдек ўқитувчи бўлишни ният қилиб, университетнинг биология факультетида ҳужжат топширдим. Тест синовлари учун яратилган шароитлар менда катта таассурот қолдирди.

Университетда тест синовларини адолат тамойилларида мувофиқ юксак савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун вилоят марказида 28 бино тайёрланиб, барча хона ва қаватларга аудитория раҳбари, вакиллар, кузатувчилар тайинланди. Аудиториялар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Тиббий хизмат кўрсатиш хоналарида етарли қулайликлар яратилди. Аудитория раҳбари, вакил ва кузатувчилар учун махсус ўқув семинарлари ташкил

этилиб, уларга тест синовларини ўтказиш низоми тарқатилди. Яратилаётган бундай қулайликлар ва тест синовларининг ошқора, холислик руҳида ўтаётганидан ота-оналар ҳам мамнун.

— Ўғлим Умиджон Термиз давлат университетининг жисмоний маданият факультетида ҳужжат топширди, — дейди жарқўрғонлик Сафия Норматова. — У болаликдан спорт билан шуғулланади. Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, олтин ва кумуш медалларни кўла киритган. Яқинда Осиё чемпионатида ҳам совринли ўринни эгаллади. Университетда дастлабки касбий имтиҳонларни топшириб, яхши балл тўплашга эришди. Фарзандларимизнинг соғлом вояга етиши ва замонавий ўқув юрлариди таълим олиши учун яратилаётган шароитлардан гоёт хурсандман.

Тест синовлари натижасига кўра, энг юқори балл тўплаган 573 абитуриент давлат гранти, 1 минг 62 йигит-қиз эса шартнома-тўлов асосида ўқишга қабул қилинади.

Саноат

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Мамлакатнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳудудларидан бири бўлган Навоий вилоятида янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш натижасида воҳанинг экспорт салоҳияти ошмоқда. Бунда асосий эътибор пахта, сабзавот-полиэтилен ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб, хоржга сотишга қаратилмоқда. Бундан ташқари, Нурота мрамари-ю, цемент ва бошқа ўндан зиёд қурилиш материаллари ҳам чет эллик хариддорлар эътиборига сазовор бўлмоқда. «Ўзтадбиркорэкспорт» маҳсулоти ташқи савдо компаниясининг вилоят бўйича вакили Баҳодир Каримовнинг таъкидлашича, қарийб 22 млн. АҚШ долларига миқдорда хоржга маҳсулот етказиб бериш бўйича контрактация шартномалари имзоланган. Ҳозиргача Россия, Украина, Жанубий Корея, Хиндистон, Австрия ҳамда Марказий Осиё давлатларига 8 млн. АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги маҳсулотлар экспорт қилинди.



Шароф АМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Фармонда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тadbirkorларнинг ўз маҳсулотларини экспорт қилишлари учун ҳужжатларни расмийлаштиришда он-лайн хизматидан фойдаланиш белгиланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу тadbirkorлар учун жуда катта қулайлик бўлиб, ортқча қоғозбозлик ва чекка ҳудудлардан шахар марказига келиб-кейтиш харажатларини кескин қисқартиради.

Маълумки, шу кунгача тadbirkorлар ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган технологияларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини хоржидан харид қилганларида «Ўзстандарт» агентлигига қарашли синов лабораториялари

гилдиклар яратилаётгани юртимиз тadbirkorларининг ташқи, хоржий сармоядорларнинг эса ички бозорлардаги мавқени янада мустаҳкамлаб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш суъратини оширади.

Масалан, фармонда хоржидан олиб келинаётган товарларни декларация қилишининг янги механизми, яъни товар божхона ҳудуди-га кириб келгунга қадар божхона ҳўжатларини расмийлаштириш жорий қилинмоқда. Бунда тadbirkor ўз товари учун божхона тўловларини юк келгунга қадар тўлаш ва юк келиб тушган куннинг ўзидаёқ бир неча соат ичида божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш имкониятига эга бўлади. Бу, ўз навбатида, тadbirkorнинг вақтини тежайди, товарнинг пул шаклидаги айлинишни тезлаштиради ва божхона ҳудудида сақлаш учун тўланадиган харажатларни қисқартиради.

имконияти етарли эмаслигидан қатор муаммоларга дуч келардилар. Бундай ҳолатда тadbirkor мувофиқлик сертификати олиш учун марказга қатнар ва бунинг учун қўшимча ҳақ тўларди. Бунинг оқибатида ишлаб чиқарувчи корхона ҳам, ишловчилар ҳам маълум бир муддат ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўларди.

Энди эса республикамизга кириб келаётган эҳтиёт, бутловчи қисмлар ва хом ашё товарларини — мавжуд лабораторияларда синов имконияти бўлмаса, уларга жойида сертификат эзиб бериш жорий этилмоқда. Бу ишлаб чиқарувчилар маблағини тежаш ва энг асосий-си, фаолиятини изчил ривожлантириш билан боғлиқ муҳим энгилликлардан биридир. Унинг амалда қўлланиши қўшимча маҳсулот, ишчиларнинг реал даромади, товар айлиниши ҳисобидан ҳам юксак баҳоланиб, унда белгиланган имтиёзлар барча турдаги тadbirkorлар учун кўл келиши таъкидланмоқда.

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ тайёрлади.

Олти юз нафар — чегара эмас

Маълумки, туртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ҳамда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, жамиятнинг асосий бўлини бўлмиш оила институтининг родини янада ошириш O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг устувор вазифаларидандир

Наргиза КАҲХОРОВА,
«XXI ASR»

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда ушбу йўналишда юздан ортиқ туркум тadbирлар ва давра суҳбатлари ташкил этилдики, бу ҳам бўлса «Аёллар қаноти»нинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросидаги иштирокини кўрсатади.

«Аёллар қаноти» ва O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Оиланинг маънавий-ахлоқий даражасини юксалтиришда маҳалла институтининг ўрни ва масъулияти» мавзусидаги давра суҳбати ҳам «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасидаги тadbирлардан бири бўлиб, унда аёллар саломатлиги, оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбияси хусусида фикр юритилди. Давра суҳбатида сўз олганлар жойларда оила ва никоҳ билан боғлиқ зарарли иллатларнинг олдини олиш, хусусан, вояга етмаган қизлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини бартараф этиш долзарб вазифалар эканига тўхталиб, бу борада жамоат ташкилотлари билан маҳалла ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш лозимлигини таъкидладилар.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова шу йил 9 июль кунги Президентимиз томонидан имзоланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармоннинг мазмун-моҳияти

хусусида фикр юритаркан, мазкур ҳужжат соҳада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар фаолиятига бўлган эътибор ва гамхўрликнинг яна бир ифода эканлигини таъкидлади.



— Бугунги ислохотлар жараёнида маҳалла янги авлод вакиллари маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила институтини шакллантириш, жамиятда тотувлик ва барқарорлик муҳитини таъминлашда алоҳида ўрин тутмоқда, — деди М.Акрамова. — Фармонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда «Маҳалла посбон»лари меҳнатини рағбатлантириш ҳам назарда тутилган бўлиб, бу шубҳасиз, маҳалла институтининг куч ҳамда имкониятларидан янада самарали фойдаланишга хизмат қилади. Кейинги йилларда партияннинг «Аёллар қаноти» ўзининг бир қатор лойиҳалари асосида маҳаллалар билан илтимолдорликни йўлга қўйганлиги барчамизга яхши маълум. Масалан, «Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Tadbirkorlik tamoyillari va ishlabarmonlik imkoniyatlari» ҳамда «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳалари айнан ма-

ҳаллалардаги фаоллар, электротadbиркор вакиллари кўмагида амалга оширилмоқда.

2010 йилдан бери партияннинг йirik лойиҳаси — «Маҳалла оилавий бизнес ҳамда

натияжаларга эришяпмиз. Масалан, ҳозирги кунда тadbirkor хотин-қизларимиз сони 600 нафарга етди. Ваҳоланки, дастлабки чоракда улар сони 540 нафар эди.

МУХЛИСА АКРОМОВАНING ТАЪКИДЛАШИЧА, ФАРМОНДА ФУҚАРОЛАРNING ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ДИНИЙ-МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ҲАМДА «МАҲАЛЛА ПОСБОН»ЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ҲАМ НАЗАРДА ТУТИЛГАН БЎЛИБ, БУ ШУБҲАСИЗ, МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ КУЧ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАРИДАН ЯНАДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

тadbirkorlik марказига айлантиришда O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг иштироки ва роли» мавзусида 200 дан ортиқ тadbирлар ўтказилди. Ушбу сазай-ҳаракатлар натижасида ҳудудларда 3 мингга яқин янги иш ўрни яратилганини эътиборга молиқдир.

— Айни кунда вилоятимизда 853 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларнинг ҳар бири билан ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Назира Раҳимжонова. — Хотин-қизларни тadbirkorlik фаолиятига жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда маҳалла билан ҳамкорлик яхши самара беради. Бу амалий тажрибадан маърифат. Зеро, қўлида ҳунари бўлса-да, иш бошлашга иқтисодий имконияти етмаётган, кўмакка муҳтож оила-сўғилларимиз ҳам бор. Уларни аниқлашда маҳалла фаолларининг ёрдами зарур, албатта. Биз ана шу йўлдан бориб, дастлабки

Инновация

Ихтиро тан олинди

энди у амалиётга татбиқ этилиши лозим

Тошкент аграр университетининг умумий фанлар кафедраси тadbirkorчиси, O'zLiDeP фаоли Рамзиддин Файзуллаевнинг «Кўмир чиқиндиларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга брикет ҳолида етказиб бериш масаласига оид» илмий иши мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

Ўз мухбиримиз

Маълумки, бутун дунёда арзон ва экологик тоза ёқилгига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Иқтисодий ривожланиш истиқболлари, sanoatнинг тараққи этиши бирламчи ва иккинчи даражали энергия захиралари га бўлган эҳтиёжини кескин оширапти. Табиийки, бу жараён экологик жиҳатдан анча афзал табиий газ истеъмолини чеклаш ва уни иложи борида тежашдек долзарб масалани кун тартибига қўяпти. Шу боис ҳам жаҳон миқёсида муқобил энергия манбаларини излаш, бу борада инновацион ролялардан кенг фойдаланишга бўлган ҳаракатлар тобора оммалашиб бормоқда. «Ўзбек-кўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг инновация ва янги технологиялар бўлими раҳбари Салим Якубовнинг таъкидлашича, юртимизда табиий газ захиралари ва муқобил энергия манбалари га бой бўлишига қарамай, улардан оқилона фойдаланиш ҳар доим ҳам давлатимизнинг диққат марказида бўлиб келган. Шу маънода ҳам ёш олим Р.Файзуллаевнинг илмий янгилиги кўмир чиқиндиларини ёнувчан хусусиятга, ўзидан кучли иссиқлик тарқатувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилгани билан ҳам

ниҳоятда аҳамиятлидир. — Ушбу илмий ишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам мамлакатимиз қазилма бойликлари дан оқилона фойдаланиш ва уни

БУНДАЙ УСУЛ БИЛАН 24 СОАТ ИЧИДА ЎРТАЧА 30 ТОННА КЎМИР ЧИҚИНДИСINI ҚАЙТА ИШЛАШ ВА АҲОЛИ ЭҲТИЁЖINI ҚОНДИРИШ МУМКИН БЎЛАДИ. БУ, ЎЗ НАВАТИДА, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЧЕККА ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСINI ҚИШ МАВСУМИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ГАЗ ИСТЕЪМОЛИГА БЎЛГАН ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

кеलाжак авлодга етказишга ҳисса қўшишдан иборатдир, — дейди Рамзиддин. — Бу борадаги изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, юртимизда муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш борасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар жуда кўп. Биргина мисол. Олмалик кўмир кони Марказий Осиёдаги энг катта кон ҳисобланиб, ундан кунига минглаб тонна кўмир қазиб олинади ва қайта ишланади. Бу ерда ўтган йиллар мобайнида жуда кўп миқдордаги кўмир чиқиндиси йиғилиб қолган. Ана шу майда кўмирни қайта ишлаш йўли билан сиқиндиларини ёнувчан хусусиятга, ўзидан кучли иссиқлик тарқатувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилгани билан ҳам

кўмир таркибидидаги моддаларни активлаштириш ҳисобига янги маҳсулот олинади. Аввал кўмир чиқиндиси лой ва тош бўлаклари билан тозаланади, сўнгра эса майдаланиб, микропроцессорлар ёрдамида брикет шаклига келтирилади. Бундай усул билан 24 соат ичида ўртача 30 тонна кўмир чиқиндисини қайта ишлаш ва аҳоли эҳтиёжини қондириш мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари аҳолисини қиш мавсумидаги электр энергияси ва газ истеъмолига бўлган талабини қондириш имконини беради.

Рамзиддиннинг қайд этишича, айни кунда ушбу технологиядан Хитой, Россия, Украина ва Германия каби давлатлардаги айрим ишлаб чиқарувчилар фойдаланмоқдалар. Аммо уларнинг маҳсулоти кўмир қунига бошқа аралашмаларни қўшиш ёрдамида ҳосил қилинади. Бу эса ортиқча ҳаражат ва меҳнат сарфи, деганидир. Таклиф этилаётган янги инновацион ғоя эса амалда ҳеч қандай ҳаражати талаб қилмайди ва фақат кўмир чиқиндисининг ўзи билан қайта ишлаб чиқарилади. Бу ғоя амалиётга жорий этилса, табиий бойликларимизни иқтисод қилиш, аҳолининг энергия манбаларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қўшимча иш ўринлари очилишига шароит яратлади.

ДЕПУТАТЛАР ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ

энди чиқиндиларни 5 хил идишга соласиз. Чунки...

1 августдан бошлаб Тошкент шаҳрида маиший чиқиндиларни саралаш, йиғиш, сақлаш ва тартибли равишда олиб чиқиш кетиши бўйича янги тартиб-қоидалар кучга кириди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши қарори билан маъқулланган мазкур қоидаларда қайд этилишича, ушбу ҳужжат пойтахтимизнинг санитария-эпидимиология ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларнинг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга қўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсири қаматириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Депутатларнинг фикрича, белгиланган талабларга аҳолининг барча қатламлари, хусусан, юридик шахслар ва жисмоний шахслар бирдек риоя қилишлари шарт. Аҳамиятлиси, янги қоидаларга мувофиқ маиший чиқиндилар 4 хил рангдаги пакетларга солинган ҳолда мос равишда бўялган қутиларга ташланиши керак. Жумладан, пластмасса буюмлар, фойдаланилган елим идишлар ва «баклашкарлар» — ҳаво рангли пакетларга, қоғоз, картон ва қоғозга тенглаштирилган материаллар — оқ тусдаги, озиқ-овқат қолдиқлари, шунингдек, сабзавот-мевалар ҳамда поллиз экинлари пўчқалари — сариқ, юқоридаги турларга кирмайдиган чиқитлар эса қора пакетларга солиниши лозим. Ишлатилган симобли лампалар учун эса чиқинди йиғиш масаласида махсус контейнерлар ўрнатилди.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Истиқлол берган имкониятлар

Қорақалпоғистон ва Хоразмда икки одам учрашиб қолса, саломалиқдан кейин «Дарёда сув сероми? Омборда-чи?» деган савол ўртага ташланади. Биз ҳам Хоразмда бўлганимизда воҳанинг навиқрон миробларидан бири Улуғбек-Қутлимурод Примовга ана шундай савол бердик. Миробнинг юзида нимтабассум балқди. Демак, дарёда сув сероб


Янгибой ҚҲҲКОВ,
«XXI asr»

— Ўтган йилнинг 10 июлида Туямўйин сув омборида 2 миллиард 488 миллион кубометр оқар сув захираси бўлиб, унинг атиги 368 миллион кубометри фойдали коэффициентга эга эди. Айни кунда сув омборида 5 миллиард 747 миллион кубометр сув бор. Фойдали қисми 3 миллиард 627 миллион кубометр. Бошқача айтганда, сувимиз захираси ўтган йилга нисбатан 10 бараварга кўп. Ҳозир дарёдан 2200 кубометр сув оқиб ўтяпти. Бу Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва қўшни Туркменистоннинг Тошхўвус вилояти учун мўл-кўл обиҳаёт ва ризқ-насиба деганидир.

Президентимиз Ислоом Каримов 1991 йилнинг 31 августидан Олий Кенгашининг VI тарихий сессиясида давлат мустақиллигини эълон қилиб, «Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотишти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига қафолат истаиди. Тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти» деган эдилар.

Мустақиллик солнома сита назар ташласак, ҳали истиқлол остонасидаёқ давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон ва Хоразм аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш билан боғлиқ ишларни бош вазифа қилиб белгилаб берганига амин бўламиз. Бунинг учун Туямўйин сув омборидан фойдаланиш, воҳа халқи истеъмол учун асосий манба ҳисобланган Капарас сув омбори имкониятларини кенгайтириш юзасидан мақбул чоралар қўришти. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2010 йилнинг 14 апрелидаги қароридан мазкур воҳа аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашнинг тубдан яхшилаш юзасидан муҳим йўналишлар белгилаб берилди. Албатта, 650 квадрат-километр майдонни эгаллаган Туямўйин, унинг Султон Санжар, Қўшбулоқ қисми билан бирга Капарас ҳам воҳа ҳаётида ҳал қилувчи ўрин тутди. Капарас ўз ичига 1,5 миллиард кубометрдан кўпроқ сувни олади.

— Капарас сув омборида амалга оширилган кенг қўламли ишлар мустақил мамлакатимиз миқёсида тобора кенг қўлоқ ёётган улуғвор ҳаракатнинг, устувор янгиликларнинг бир қисми, — дейди Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Уктам Маширапов. — Айнан истиқлол шарофати билан Капарас сув омборида Швецияда ишлаб чиқарилган 4 та «FLYGT» русумли насос агрегатлари ўрнатилди. Бунга 1 млрд. 355 млн. 484 минг сўм маблағ сарфланди. 1,5 миллион АКШ долларига тенг навбатдаги грант эса кунига 200 минг кубометр сувни тозалаб берадиган яна 4 та агрегат ўрнатиш имконини берди. 2010 йили



109,6 километр янги ичимлик сув тармоқлари тортилган бўлса, яқин истиқболда бу кўрсаткич бир неча бараварга ошади. Биринчи навбатда, бу ишни янги типовой лойиҳалар асосида барпо этилаётган шаҳарчаларда амалга оширяпмиз!

Ҳақиқатан ҳам, бутун Ўзбекистонда янги уйлар, янги шаҳарлар, янги йўللари, янги кўприкларда истиқлолнинг туб мазмуни жиллониб турибди. Айнан мустақиллик шарофати билан бунёд этилган, бундан 8 йил аввал фойдаланишга топширилган «Тошқоқа-Мискин» темир йўли ва автомобиль кўприги ёнида бирпас тўхтади. Кўприқдан яп-янги вагонларни судраб «Шовот-Урганч-Тошкент» поезди ўтиб кетди. Унинг дезараларида қўл силкитаётган йўловчиларнинг юзларидан нур таралиб турибди. Бу ердан туриб «Мискин» темир йўли узелига, ундан «Қурол», «Бузаубай», «Учқулук» томонларга ёхуд «Эллиққалъа», «Қораўзақ», «Кўнғирот» бекатларига ҳаёлан назар солсангиз, Ўзбекистоннинг эркин, обод ва ҳосиятли мамлакатга айланганидан бошингиз осмонга етди. Асрий оруз бўлган «Беруний-Чолиш» дарё кўпригини айтмайсанми? Бу кўприк ҳам Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон жануби ҳаётида янги саҳифалар очди. Питнақдан Ҳазораспа, Боготдан Хонқага ўтди. «Олажа» қишлоғида янги, замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган уйлар қаршисида тўхтади.

— Янги уй эгаларининг турмуши ширин бўлсин учун янги шаҳарчага «Ширин» деб ном бердик, — дейди «Олажа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Пулат Бердиев. — Ўтган йили 20 та янги уйнинг қалити бахтли соҳибларига топширилган бўлса, тез кунларда яна 28 та ҳовли тўйи ўтказилди. Ягона ҳовли тўйи қилиб, уни мамлакатимизнинг бош тантанасига улаб юборамиз. Ўшқол ва унинг раҳнамоси бор эканки, шундай дорилмон кунларда яшаб турибмиз. Қайси мамлакатда шундай бахтли тақдир эгалари бор? Мана, сиз кўриб турган уйга ўзимизнинг «Мегафера» қўшма корхонасининг хоржикидан қўшниқилиданга меселини ўрнатаяпмиз. «Мегафера» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси наинки Хоразм, балки мамлакат

мебельсозлик саноатининг ҳам пешқадамларидан. Корхона 2008 йилнинг 30 майида таъсис этилган. Унда Италиянинг «Гриджо» ва «Орма», Германиянинг «Хомат» компаниялари дастхўрлари ўрнатилган. Жамоа етакчиси Мурод Вансовнинг шарҳлашича, яқиндагина Халқ банкидан олинган 400 миллион сўмлик кредит ишлаб чиқариш жараёнини тубдан модернизация қилиш, яна бир неча янги линиялар ўрнатиш имконини берган.

Биз қишлоқларни айланганимизда, энг аввало, пахта, дон, пилла этиштириш масалалари билан қизиқамиз. Аммо бутун хоразмлик қишлоқ мулкдорлари хуштаём асал, балиқ ва лимон ҳам этиштиромоқдалар. Хонқанинг узида 11 нафар фермер асалариқилиш билан шуғулланади. Вилоят бўйича асалари оилаларининг сони 1600 талдан ортиб кетган. Шунинг тенг ярми «Хонқа-Асал» масъулияти чекланган жамияти тасарруфиди. Хонқадан кейин Янгиариқ туманининг ерлари бошланади. У ерда «Хоразмбалиқ» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатмоқда. Ҳар кунги 11 та махсус автомобиль виллоят бўйлаб тирик балиқ тарқатади. МҲЖ раҳбари Ибодулла Маҳмудовнинг таъкидлашича, ҳўжалликда ишлаш замон талаб-ҳаётида олаш олиб бориламоқда. 2009 йили 386 миллион соғ фойда олинган бўлса, бугун миллиондан сўмлик марра қўланапти. Янгиариқдан кейин Саёт, Гандимён қишлоқлари орқали Шарқ гавҳари — Хивага кириб бордик.

— Энг улуғ, энг азиз байрамимизга ҳозирлик ҳар қачонгидан кўтаринки руҳда кечмоқда, — дейди Хива тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Даврон Аллақулриев. — Аграр соҳа, саноат, сервис, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, барча-барча йўналишда кўз кўрса қувонадиган ишлар амалга ошириляпти. Туризм ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Энг асосийси эса ҳар бир уйда, маҳаллада ва қишлоқда мамлакат тақдири — менинг тақдирим, мамлакат бахти — менинг бахтим, мамлакат эркинлиги — менинг эркинлигим, мамлакат ободлиги — менинг, оиламнинг ободлиги, деган тушунча устувор. Бундай халққа, бундай дийёрга эса фақат тўйлар ярашади!

Депутатлик назорати

Йўловчи ташишга лицензиянгиз борми?

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада <<

Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

Маълумки, транспорт-коммуникация тармоғида замон талабларига жавоб берадиган бозор тамойилларини жорий этмай туриб, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириб бўлмайди. Шу маънода, катта шаҳарлар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш қанчалар долзарб ва зарур эканлиги, бу тармоқ иқтисодиётнинг барча йўналишлари билан chambarchас боғлиқлигини

бир ҳайдовчини йўлга чиқаришдан олдин тиббий, автоуловларни эса техник кўриқдан ўтказишнинг назорат қилиш ҳам ушбу муассаса зиммасига юклатилган.

Ҳозирги кунда «Ўзавтодарётранс» агентлиги Жиззах вилоят бўлими тарқибига 185 та уюшма бўлиб, уларда жами 11200 та автомобиль мавжуд. Шундан 870 таси Жиззах шаҳридаги йўналишлар бўйлаб ҳаракат қилади. Лекин O'zLiDeP аъзоларининг айтишича, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатаётган транспорт воситалари, ай-

агентликни бохабар қилиш учун эса «ишонч телефонлари» ташкил этилган. Бундан ташқари, 1990 йилга қадар ишлаб чиқаришнинг микроавтобуслар қатнашига чек қўйиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар қўрилмақда. Шундан жорий йилдан транспорт воситаларининг ўрнини таъмирлаш учун лицензиянинг қўрилган агентлик тизимидаги 3 та ташкилотга 75 та ISUZU автобуслари олиб келинадиган бўлди.

— Депутатлик гуруҳи йиғилиши кун тартибига айна шу масаланинг кiritилиши бежиз эмас, —

«ЎЗАВТОДАРЕТРАНС» АГЕНТЛИГИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БУЛИМИ ТАРКИБИДА 105 ТА УЮШМА БУЛИБ, УЛАРДА ЖАМИ 1200 ТА АВТОМАШИНА МАВЖУД. ШУНДАН 870 ТАСИ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙЛАБ ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. ЛЕКИН O'zLiDeP АЪЗОЛАРИНИНГ АЙТИШИЧА, ШАҲАР АҲОЛИСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ, АЙНИҚСА, ТАЛАЙГИНА МИКРОАВТОБУСЛАР ТЕГИШЛИ ЛИЦЕНЗИЯ ОЛМАЙ ТУРИБ ҲАМ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.

англаш қийин эмас.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мазкур соҳада ҳам босқичма-босқич бозор тамойиллари шакллантирилиб, монополиянинг олдини олиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Айтиш керакки, Вазирил Маҳкамасининг «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қарори соҳа фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида айна шу қарорнинг жойлардаги ижроси юзасидан Илҳом Боқиев ҳисоботида агентликнинг асосий вазифаларидан бири бу — транспорт фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг эгаларига тегишли лицензия беришдан иборат экани алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, ҳар

ниқса, талайгина микроавтобуслар тегишли лицензия олмай туриб ҳам фаолият кўрсатмоқда.

— Кези келганда, яна бир жиҳатта эътиборингизни тортоқчиман, — деди вилоят кенгаши депутати Парда Зиётов. — У ҳам бўлса, ноқонуний фаолият олиб бораётган микроавтобус ҳайдовчиларининг автобус бекатларини тўсиб қўйиши ва йўловчиларга ноқулайлик туғдираётганидир. Бу муаммони ҳал этиш учун агентлик ходимлари ва депутатлардан иборат махсус ишчи гуруҳи тузилиб, лицензиясиз ишлаётганларни қонуний фаолиятга ўтказиш учун тарғибот ишлари кучайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Агентликда бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди Илҳом Боқиев. — Ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларига қатъий риоя этишидан тортиб уларнинг ахлоқ-одоби масаласига тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Кўчакўйда ана шундай салбий ҳолатлар юз берганида

дейти O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Нурали Раимов. — Чунки бу соҳа нафақат тадбиркорлик, балки вилоят иқтисодиёти билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бугунги йиғилишдан қўзланган асосий мақсад ҳам аҳолига сифатли транспорт хизматини йўлга қўйишнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммоларга ечим топишдан иборатдир. Гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, ноқонуний ишлаётган микроавтобуслар партияимиз электорати бўлган тадбиркорларнинг ҳам эмин-эркин фаолият кўрсатишларига ҳалақит бераёпти.

Йиғилишда тилга олинган муаммолар масалалар юзасидан «Ўзавтодарётранс» агентлиги вилоят бўлими ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши лозимлиги ва бу масалани вилоят кенгаши сессиясига киритиш бўйича депутатлик гуруҳининг қарори қабул қилинди.

Акс-садо

Қарс икки қўлдан чиқади

Зилола ЮЛДАШЕВА, Тошкент вилояти, Заңгиота туманидаги 11-сонли нотариал идораси нотариуси

Юртбошимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони туфайли фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муҳлатини чекланмаган ҳолда берилиши ҳам тадбиркорларни қайтадан лицензия муҳлатини узайтириш мақсадида мурожаатлари давридаги асосий рад этилишлар, қўшимча талаблар ҳамда бюрократик тўсиқлар ўз-ўзидан барҳам толадиган бўлди.

Еки фармондаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси икки ой муддатда тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома характеридagi ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимларнинг миқдорини танқидий кўриб чиқсин ҳамда уларнинг камида икки баробар арзонлаштирилиши бўйича қарорлар қабул қилинсин» деган қарорларни олайлик. Маълумки, барча йиғим мажбурий тўлов ҳисобланади. Ҳар қандай мажбурий тўлов эса тадбиркор даромадини камайишига олиб келади. Ушбу фармон билан тўланадиган йиғимлар миқдорининг икки баробарга камайиши тадбиркорлик субъектлари даромадларини кўпайтиради, пировардида қўшимча иш ўринлари яратилиши ва фаолият доирасини кенгайтириш шароитини яратади.

Бугун биз ахборот-коммуникацион технологиялар жадал ривожланган даврда яшаймиз. 2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий қисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини, шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилиши, интернет тармоғида яратиладиган ягона веб-сайтта лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхатини, лицензия ва рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги доимо янгиланиб туриладиган маълумотларни жойлаштирилиши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар узоқ муддатли ва давомли эканлигини кўрсатади.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқади», деган нақл бор. Президентимизнинг ғамхўрликлари, мамлакатимизда ҳусусий мулк устуворлигини таъминлаш, эркин ва соғлом тадбиркорлик муҳитини яратиш мақсадида ҳуқуқий базанинг мукамаллаштирилиши борасидаги саъй-ҳаракатлари учун биз, тадбиркорлар бор имкониятларимизни ишга солиб, Ватан равақи, юрт ободлиги, халқимизнинг фаровон турмушига муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада <<



Мастура ХАЙТОВА, O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri:

— Бугун биз, ёшлар учун қулай имкониятлар яратилиб, катта ҳаёт оstonасига дадил кириб боришимизга кенг йўл очилмоқда. Ана шу мақсадларни ўзида мужассам этган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг Тошкент шаҳар босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди. Ўтказилган семинарларда 150 дан зиёд ёшлар бизнес-режа талаблари, кредит олиш ва уни расмийлаштириш тартиблари юзасидан керакли маълумотларга эга бўдилар. Сараланган 100 нафар иштирокчига эса бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида имтиёзли кредит олиш имконини берувчи йўлланмалар тақдим этилди.



Юсуфжон ЮСУПОВ, O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri:

— Бу йилги ўқув-семинарларда вилоятимиз таълим муассасаларининг 200 дан зиёд талабалари — бўлажак тадбиркор ва ишбилармонлар қатнашдилар. Ўйиборли жиҳати шундаки, иштирокчилар томонидан тақдим этилган янги лойиҳалар орасида иқтисодиётимиз ривожига реал ҳисса қўйиши мумкин бўлган бизнес-режаларнинг кўпчилиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, миллий хунармандчилик, маиший хизмат кўрсатиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, асаларичилик, қўёнчилик ва паррандачиликни йўлга қўйиш каби ўнлаб лойиҳалар ана шулар жумласига кирди.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги билимларининг янада мустаҳкамла-нишига ҳам йўл очмоқда. Чунки тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар, мутасадди ташкилотлар вакилларидан атрафлича жавоб олиш имконига эга бўдилар.



Мухаббат АХНАРОВА, O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri:

— «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси қорақалпоғистонлик ёшларнинг ҳам мустақил ҳаётга дадил қалам ташлашларида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, семинарларда қатнашган 104 нафар битирувчининг бизнес лойиҳаси ҳакамлар томонидан одилона баҳолалиб, уларнинг 60 нафарига имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди.

Машгулотларни кузатиб, лойиҳа туфайли ёшларда тадбиркорликка қизиқиш уйғонгани, улардаги ишбилармонлик қобилияти қатъий мақсадга айлана бошлаганига гувоҳ бўдим. Энг муҳими, лойиҳа ёшларнинг ўз кучига, келажакига ишонч уйғотапти.



Дилшод ТУРАҚУЛОВ, O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri:

— Ҳақиқатан ҳам, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси бугун ўзини оқламоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, имтиёзли кредит олишга муяссар бўлган сирдарёлик ёшларнинг кўпчилиги ўтган қисқа вақт мобайнида ўз кре-


Хабарингиз борми?

ҚАМЧИҚ ДОВОНИ ОРҚАЛИ ЮК ТАШИШ ЧЕКЛАНДИ

Жорий йилнинг 1 октябридан Қамчиқ домини орқали 25 йил ва ундан ортиқ вақт мобайнида эксплуатация қилинган юк автотранспортда юк ташиш тақиқланади. UzDaily.uz сайтыда қайд этилишича, Вазирил Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлида қабул қилинган қароридa Қамчиқ домини орқали юк автотранспортда юк ташиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатга мувофиқ 2014 йилнинг 1 июлидан 20 йил ва ундан ортиқ вақт давомида, 2016 йилдан эса 15 йил ва ундан ортиқ муддат ишлаган юк транспорт ёрдамида домон орқали юк олиб ўтиш ман қилинадиган бўлди. Қарорда таъкидланганича, 2013 йил охиригача «Уллистон-Бўқа-Ангрен-Қўқон-Андижон-Ўш» автомобиль йўлининг 185 ва 273 километрларида оғир ва катта ҳажмли юкларни текириш жараёнини енгиллаштирувчи технологик ускуналар билан таъминланган назорат пунктлари қўрилади.

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲА

O'zLiDeP томонидан илгари сурилган «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА» ЛОЙИҲАСИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУНЛАНДИ. ТАҲЛИЛЧИЛАР АНА ШУ ЛОЙИҲА АСОСИДА МИНГЛАБ ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР



Соҳиб ЗОИР, оила, сураёт

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ТАКЛИФЛАРИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ ЁШЛАР ТАКЛИФЛАРИНИ ҲАМКОРЛАШТИРИШ УЧУН ГУРУҲИГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

дигларнинг фоизи ва асосий қисмини қайтаришга муваффақ бўдилар. Ўйиборли жиҳати шундаки, эндиликда тижорат банклари бундай ёшларга катта ҳажмдаги гаровсиз имтиёзли кредитлар беришни ҳам тақлиф эта бошладилар. Жумладан, Янгиер шаҳридаги Тиббиёт коллежи битирувчиси Хулқар Йўлдошева ҳам банк ишончига кирган ана шундай ёш ва иқтидорли тадбиркорлардан бири.

Айни пайтда тўрт нафар тенгдоши билан ҳамкорликда тикувчилик шеҳи ишини юритаётган Хулқар банкдан яна кредит олиш ва шогирдлар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқда.



Шерзод МУХМУДОВ, O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri:

— Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш бу —мамлакатимизда иш ўринлари яратиш дастурининг асосий йўналишларидан биридир. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси эса ана шу жараёнда O'zLiDeP иштирокчиларининг амалий натижаларини кўрсатаёпти. Турғи, ёшларни иш билан таъминлашда уларни кичик бизнесга жалб этиш энг тўғри йўл. Лойиҳани бухоролик ёшлар ўртасида тарғиб этишда ана шу жиҳатларга эътибор қаратдик. Унда вилоятнинг 130 нафар йигит-қизлари иштирок этган бўлса, уларнинг барчасига имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи йўлланмалар тақдим этилди.

Маълумотларга кўра, Бухоро вилояти тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишлари учун 2012 йил давомида жами 1 млрд. 971 млн. сўмлик кредит маблағларини ажратиб режалаштирилган. Бугунгача 840,3 млн. сўмдан ортиқ маблағ ўз эгаларига етказиб берилди.



Илҳом ТУРАХОНОВ, O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri:

— Мен, шахсан ушбу лойиҳани партиямизнинг ёшлар борасидаги нуқтан назарига эришиш учун энг қисқа йўл, деб ҳисоблайман. Чунки ундан қўзланган мақсад айрим сиёсий партиялар сингари совга-салом тарқатиш ёки моддий ёрдам кўрсатиб, ёшлар ишонч-ни қозониш эмас, аксинча олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари бандлигини таъминлашга реал ёрдам бериш, уларда тадбиркорлик қўниқмаларини шакллантириш, битирувчи ёшларни таълимдан кейинги даврда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига жалб этишга қўмақлашишдан иборатдир.

Шу туфайли лойиҳа доирасидаги ўқув-семинарларда асосий эътибор амалий билимларни бойитишга қаратилди. Бунинг учун жойларда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этилди. Тадбиркорликни йўлга қўйиш, зарур ҳужжатлар билан ишлаш юзасидан тавсиялар берилди. Бу, ўз навбатида, иштирокчиларнинг истиқболли бизнес-режалари учун алоҳида аҳамият касб этди.


Шу ўринда лойиҳа доирасида ёшларнинг тадбиркорликка оид тақлифлари ва муаммолари мунтазам равишда ўрганилиб, таҳлилий тавсиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси қошидаги ёшлар тақлифларини ўрганувчи ишчи гуруҳига тақдим этилганини алоҳида таъкидлашнинг истардим. Бу, шубҳасиз, қўйи бўғинлар, хусусан, «Ёшлар қаноти»нинг O'zLiDeP фракцияси билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳақиқатан ҳам, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси «Мустаҳкам оила йили»да O'zLiDeP томонидан илгари сурилган ва реал натижада бераётган лойиҳалардан бирига айланди. Ташкилотчилар таъкидлаганларидек, ундан кўзда тутилган асосий мақсад ёшларга фақат кредит олиб бериш эмас. Балким янги авлод вакилларининг маълум бир қисмини бизнес оламига олиб кириш орқали юрт равақи, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига эришишдир. Лойиҳада бунга қай даражада эришилди-эришилмади, буни, албатта, вақт кўрсатади. Аммо юқоридагидек мулоҳазалар ҳозирданок бизнес оламига мустаҳкам ниҳоллар экилаётганидан далолат бермоқда.

Шухрат РАХИМОВ тайёрлади.





ОЛМАЛИҚ ШАХРИДАГИ «АММОФОС-МАКСАМ» ОАЖДА
«БПТларнинг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни» мавзусидаги тадбирда партия ташкилотлари фаолигини ошириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.



ЗАФАРОБОД ТУМАНИДАГИ «ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»
қошидаги БПТда аҳоли орасида партия ғояларини кенг тарғиб этиш ва O'zLiDeP сиёсий имижини ошириш масалаларига бағишланган «Давра суҳбати» бўлиб ўтди.



ПИЛЛАНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН
«Ромстар» қўшма корхонаси ишчи-хизматчиларидан 10 нафари O'zLiDePга аъзо бўлиб, бошланғич ташкилот тузиш ташаббуси билан чиқдилар.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

31 (455)-сон

e-mail: axborotXizmat@yahoo.com, web sayti: www.21asr.uz

2012 йил

2

август,
пайшанба

Партияга аъзолик биринчи қадам, холос

— Истиқлол туфайли мен мулкдор бўлдим, энг асосийси — мамлакатимизда хусусий мулк дахлсизлиги таъминланди, эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очилди, — дейди Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «Фарҳод-Аброрхўжа» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Акмалхўжа Ақромов

Дарҳақиқат, бугунги шароит ва имкониятларни 21 йил аввал тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Жумладан, ўшанда «Фарҳод-Аброрхўжа» корхонасининг асосий фаолияти — норузда тоғ жисмларини қайта ишлаб, даромад орттириш ҳуқуқи ҳам фақат давлат ихтиёрида эди. Истиқлол туфайли 1998 йилда 3 нафар ходим билан ана шу хусусий корхонага асос солинди, халқ истеъмоли ашёларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Ҳаётимиз тобора янги мазмун касб этмоқда, — дейди БПТ раиси Муҳиддин Асадуллоев. — Тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга нафақат ҳукумат, балки нодавлат ташкилотлар, сиёсий тузилмалар ҳам жиддий эътибор қаратмоқдалар. Шу боис 2004 йили O'zLiDeP ташкил этилганида ҳеч иккиланмай унинг сафига кирдик. Корхонада бошланғич партия ташкилотига асос солинди. Айни пайтда БПТ аъзолари сони 20 нафардан ошган.

Интиланганга омад ёр, деганларидек «Фарҳод-Аброрхўжа» корхонаси жамоаси ҳам мамлакатимизда яратиб берилган қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, қурилиш учун зарур бўлган ашёлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Италиянинг «Fedruito» корхонасидан мрамар кешиш ускунаси харид қилинган, иш ўринлари 18 тага етказилди ва йилга 400 хилдан ортқ маҳсулот тайёрлана бошланди.

2011 йилга келиб эса Газалкент шаҳридаги банкротликка учраган завод сотиб олинди, фаолияти тикланди. Ҳозир бу ерда 20 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётди. Хитойдан харид қилинган янги дастгоҳлар эса маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кескин



ошириш имконини берди. Шу ўринда Навоий вилояти аэропорти, Самарқанддаги маросимлар уйи қурилишида ҳам асосан «Фарҳод-Аброрхўжа» корхонасида тайёрланган мрамар буюмларидан фойдаланилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунда корхона ўз маҳсулотларини қўшни республикаларга ҳам экспорт қилмоқда.

Эришилаётган меҳнат ютуқларидан бошланғич партия ташкилоти

аъзоларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бўлмоқда. Зеро, таъсирчан сўз орқали жамоани янада олға руҳлантириш, қизгин сиёсий фаолиятга жалб этиш мумкин. Партияга аъзолик эса бу жараёндаги биринчи қадам, холос. Кейинги босқичларда партиявий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишларига жиддий эътибор қаратиш талаб қилинади, албатта. O'zLiDeP Бектемир туман кенгашининг етакчи консултанти Малика Йўлдошеванинг таъ-

кидлашчи, ушбу БПТ тумандаги энг ташаббускор қўйи бўғинлардан биридир. Электротар вакиллари, юқори партия ташкилотлари, шунингдек, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлик қилиш, таклиф ва ташаббуслар тайёрлаш бўйича ҳам БПТда изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу эса партиявий-сиёсий тадбирлар самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этапти.

Навоийдаги энг намунали БПТ

«Шамс-Навоий» хусусий фирмасидаги 60 нафарга яқин ишчи-хизматчи 2007 йилдан буён O'zLiDeP бошланғич ташкилоти атрофида уюшган ҳолда фаолият юритмоқда



«Шамс-Навоий» кўп тармоқли корхона бўлиб, асосан улгурчи ва чакана савдо, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида иш олиб боради. Корхона мутасаддиларининг таъкидлашчи, айни пайтда 10 дан зиёд дорихона, иккита умумий овқатланиш шохобчаси, гипскартон ишлаб чиқариш заводи, музқаймоқ ва ярим-тайёр озиқ-овқат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо дўконлари ҳам ушбу корхона маъсуслигида фаолият юритапти. Шунингдек, ташкилотнинг 100 гектардан зиёд майдондаги сув ҳавзасида балиқчилик хўжа-

лиги ташкил этилган. Фирма бош ҳисобчиси Жамила Худойкулованинг айтишича, «Шамс-Навоий»нинг иқтисодий кўрсаткичлари ва соф фойдаси хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари учун яратиб берилаётган имтиёз ва қулайликлар туфайли ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина фирманинг ойлик товар айланмаси ўртача 1 млрд. сўмдан ошди. Утган олти ой якунларига кўра, соф фойда 254 млн. сўмни ташкил этди.

Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган даъватларига мувофиқ, корхо-

на даромадининг каттагина қисми эзгу ишларга йўналтириляпти. Жумладан, у вилоятдаги меҳрибонлик уйининг доимий ҳомийси ҳисобланади. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига ҳам мунтазам хайрия ёрдами кўрсатилади. Айниқса, вилоятда турли даражадаги спорт мусобақаларини ўтказиш учун корхона томонидан ўнлаб миллион сўм миқдорда ҳомийлик ёрдами кўрсатилганлиги соҳа мутахассислари алоҳида эътироф этаптилар.

Энг муҳими, бу жараёнда корхона бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳамкасблари ва маслакдош-

ларига ўрнак бўлмоқдалар. O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши мутасаддиларининг маълум қилишича, ушбу корхона қошидаги бошланғич ташкилот вилоятдаги «Энг намунали БПТ», дея эътироф этилган.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ПАРТИЯ МАНФААТИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚУВЧИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ПАРТИЯНИНГ СИЁСИЙ ПЛАТФОРМАСИ — ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ҒОЯ ВА ҚАДРИЯТЛАРНИ ХАЛҚ ОНГИГА СИНГДИРИШГА ҚАРАТАЯПТИ.

Чунки мазкур бошланғич ташкилот асосий эътиборни партия манфаати ва устувор вазифаларидан келиб чиқувчи тадбирларни амалга ошириш, партиянинг сиёсий платформаси — либерал-демократик ғоя ва қадриятларни халқ онгига сингдиришга қаратапти.

— Юртимизда бозор ислоҳотлари янада чуқурлашган айни даврда биз, либерал-демократлар зиммасидаги масъулият ўн чандон ошди, — дейди БПТ раиси, ҳуқуқшунос Бекмурод Чиллабоев. — Шунинг учун ҳам мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тарқорор ривожлантириш, тадбиркорлик эркинлигининг амалий қанчаларини таъминлаш, ҳақиқий мулкдорлар қатлами шакллантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик

субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшишга интиляпти. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш учун турли янги қонун лойиҳалари муҳокамаида фаол ишти-

рок этаёпмиз. Бу борада бизга корхона раҳбари, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутати Шавқиддин Жамолев амалий ёрдам бераёпти. Хусусан, корхонада БПТ учун иккита хона ажратилиб, барча ўқув қўлланма ва офис жиҳозлари билан таъминланган. Шунингдек, маънавий-маърифий ва сиёсий-партиявий йўналишларда ҳам тарғибот-ташвиқот ишларига жиддий эътибор қаратаёпмиз. Жумладан, йил бошидан буён БПТ ташаббуси билан 20 га яқин тадбирлар ўтказилди. Энг асосийси, корхонамиз аъзоларининг Навоий шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилаётган ўқув маъмулотларида мунтазам иштирок этиб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишларига эришяёпмиз.

Чинободда тарғибот кучайтирилмоқда

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Юнусобод туманида жойлашган «Чинобод сихаттоҳи» бошланғич партия ташкилотига «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» мавзусида давра суҳбати ўтказилди

Истиқлолимизнинг 21 йиллигини муносиб кутиб олиш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда «Мустақам оила йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган тадбирда депутатлар, O'zLiDeP Юнусобод туман

нат қилаётган 20 нафардан зиёд партия аъзолари бошланғич ташкилот партия негизи эканини яқини англашади. Уларнинг аксарияти олий маълумотли эканликлари, касб тақозоси боис халқнинг турли қатлам вакиллари билан ҳар кун бевосита мулоқот қилишлари, уларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга рағ-

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ:

— партия Устави, Дастури ва партия раҳбар органларининг бошқа қарорлари билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларини қонун доирасида аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб боради;
— жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳамда партия фаолияти ҳақида ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларини ташкиллаштирилади, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорлик қилади.

«Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» Уставидан

кенгаши аъзолари, тадбиркор ва ишбилармонлар қатнашдилар.

Сихаттоҳ ходимлари, ҳатто бу ерда хордиқ чиқараётган ва партия фаолиятига хайрихоҳ фуқароларнинг ҳам давра суҳбатига фаол қатнашгани мазкур БПТнинг аҳоли орасида либерал-демократик ғояларни тарғиб этиш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланаётганидан далолат бериши мумкин.

Давра суҳбатига O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши «Сиёсий таълим маркази» раҳбари Дилором Бобожонованинг мустақиллик мавзусига оид, O'zLiDeP Юнусобод туман кенгаши аппарат раҳбари Дилбар Зайнутдинованинг «БПТ фаолияти: натижа ва истиқболлар» мавзусидаги маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Тадбирнинг жонли ўтганига асосий сабаб — уни ташкил этиш ташаббуси БПТ аъзоларининг ўзидан чиққанида, — деди биз билан суҳбатда БПТ раиси Абдували Носиров. — Ушбу ОАЖда меҳ-

бат уйғотмоқда. Айниқса, жойлардаги муаммоларни БПТ аъзолари билан, демакки, партиянинг қонуний имкониятлари орқали ҳал этиш мумкинлиги уларни янада қизгинроқ иш олиб бориш, фаолият самардорлигини кучайтиришга ундапти.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, истиқлол йиллари Юртбошимиз раҳнамолигида улкан ютуқларни қўлга киритдик. Эртамининг янада фаровон бўлиши учун эса эришилган ютуқлар билан қаноатланмай, янада янги марралар сари интилиш давр талабига айланмоқда. Бу борада сиёсий партиялар, айниқса, O'zLiDeP иқтисодий-иқтисодий таянчи, ислоҳотлар суянчига айланган қатлам манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида олдинги қаторда бўлиши лозим. Бундай фаолият эса энг аввало, БПТлардан бошланиши лозим.

Тадбир якунида партиянинг янги аъзоларига гувоҳномалар топширилди. Партиявий тадбирнинг қуйи қўшиқлардан иборат концерт дастурига улашиб кетгани эса «Чинобод сихаттоҳи» ОАЖ қошидаги бошланғич партия ташкилотининг дам олувчиларга тайёрлаган байрам соғваси сифатида қабул қилинди.

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетаси



2012 йилнинг 5 ойига БПТлар учун имтиёзли

ОБУНА

уюштирилаётганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Жараён

Ишбилармонлик ғояларининг молиявий таянчи

Молия бозорида қарор топаётган соғлом рақобат муҳити барча молиявий муассасалардан кредитлашнинг янги механизмини — аҳолига тезкор ва замонавий хизмат кўрсатишни тақозо этмоқда

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

«Агробанк» ОАТБ Хоразм вилоят бошқармаси ҳам мижозларга сифатли ва тезкор хизматлар кўрсатиш, энг аввало, мижозлар ишончини қозониш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқда. Бугун бошқарманинг 12 та филиали, 45 та мини-банк томонидан 17139 та юридик ва юз мингдан зиёд жисмоний шахс мақомидаги мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Хусусан, доимий равишда долзарб бўлиб келатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кредитлар ажратилди. Улар эвазига мақсулотларни қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси каби қўллаб-қувватлаш молиялаштирилиб, натижада 1660 та янги иш ўрни яратилди.

— Юртимизда тадбиркорлик учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биз ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, трикотаж мақсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда tutувчи лойиҳани «Агробанк» ОАТБнинг Хонқа филиалига тақдим этган эдик. Лойиҳамиз муваффақиятли, деб топилди, банкнинг 247,5 млн. сўм кредитига эга бўлдик, — дейди «Хонқа чевар» масъуляти чекланган жамияти раҳбари Хушнуд Бекметов. Бунинг натижасида 15 киши доимий иш билан таъминланди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш



БАНК ТОМОНИДАН ВИЛОЯТ МИҚЁСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҚСУЛОТЛАРИНИ КЎПРОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ҚАРАТИЛГАН 5,6 МЛРД. СЎМЛИК ЛОЙИХАЛАР МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ.

учун 1 млрд. 21 млн. сўм миқдордаги кредит маблағлари йўналтирилди. Тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар миқдори эса 2,1 млрд. сўмин ташкил қилди.

Шу ўринда Хоразмдаги аксарият ёш оилаларга ҳам «Агробанк» вилоят бошқармаси томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Бугунга қадар банк томонидан ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва хонармандчиликни ривожлантиришга ажратилган 6 млрд. сўм миқдордаги микрокредитлар оилалар фаровонлигини таъминлашга туртки бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда аҳолининг сифатли озиқ-овқат мақсулотларига бўлган талабини қондириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб беришда банк томонидан вилоят миқёсида озиқ-овқат мақсулотларини кўпроқ ишлаб чиқаришга қаратилган 5,6 млрд. сўмлик лойиҳалар молиявий қўллаб-қувватланди. Шу билан бирга ноозиқ-овқат истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк томонидан 4,6 млрд. сўм миқдордаги кредитлар ажратилди.

Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш долзарб масала эканлиги «Агробанк» Хо-

разм вилоят филиали жамоаси ҳам яхши англамоқда. Шу боис бу борадаги ишлар кўлами имкон қадар кенгайтирилмоқда. Тадбиркорлик соҳасига иштиёқи баланд бўлган коллеж битирувчилари банк томонидан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Айни давргача банк томонидан жами 2 млрд. сўм миқдордаги кредитлар ажратилиб, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имконият яратиб берилди. Шу билан бирга қўллаб-қувватлаш шартнома асосида ишга киришлари учун тавсиялар бериб берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» ОАТБнинг Хоразм вилоят бошқармаси жамоаси вилоятда истиқомат қилаётган оила-ларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, шунингдек, вилоят иқтисодий қўлини кўтаришда муносиб фаолият кўрсатиб, бор куч-ғайратларини сафарбар этмоқда.

Муносабат

Оқсоқлик учун ким жавоб беради?

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши диққатига!

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада <<

Ўз мухбиримиз

Бир сўз билан айтганда, Когонда ҳам тадбиркорлик учун қўлай бизнес муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратишда. Масалага шу нуқта назардан ёндалиниб, сиёсий партиялардан сайланган маҳаллий кенгаши депутатларининг ташаббускорлиги, уларнинг жойлардаги ислохотлар мазмун-моҳиятини теран ва аниқ англашларига кўп нарса боғлиқ экани ўз-ўзидан аён бўлади. Айрим фуқаролар сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари фаолияти ҳали талаб даражасида эмаслигини таъкидламоқдалар. Ҳозир туманда сиёсий партияларнинг 2120 нафар аъзоси бор. Халқ депутатлари туман кенгашига ХДП дан 8 нафар, O'zLiDeP дан 11, «Миллий тикланиш» ва «Адолат» сиёсий партиялардан эса 3 нафардан депутат сайланган. Таассуфки, уларнинг иш фаолияти ҳар доим ҳам сиёсий тузилмаларнинг дастурий вазифалари асосида йўлга қўйилмапти. Акс ҳолда ҳудудда ечимини кутаётган ҳаётий муаммолар, мавжуд камчилик ва нуқсонлар бирма-бир ҳал этилган бўларди.

Маълумки, партиявий-ташқилый фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири — жойлардаги қўйи бўғинларни ишда изчилликка эриштириш, улар орқали мавжуд муаммоларни туман кен-

гашидаги партия депутатлик гуруҳларига етказишдан иборатдир. Айнан шу йўналишдаги ишларда Когонда ҳозирча сусткашлик ҳукм сураётди. Жумладан, туманда O'zLiDePнинг 16 та бошланғич ташкилоти бўлиб, улар ўз атрофига 298 нафар партия аъзосини

БПТЛАР ТОМОНИДАН МУАММОЛАР ЕЧИМИ БЎЙИЧА АНИҚ ТАКТИФЛАР БИДРИЛМАЭТГАНИ, ПАРТИЯ САФЛАРИНИ ЎСТИРИШГА БЕФАРҚ ҚАРАЛАЭТГАНИ O'ZLIDERNING НАФАҚАТ ТУМАН, БАЛКИ ВИЛОЯТДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИГА ҲАМ СОЯ СОЛИШИ МУМКИН.

бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Бир қатор қўйи бўғинлар — «Нурафшон», «Когон» ва «Хўжа Яқшанба» ҚФЙлари, шунингдек, «Саломатлик маркази» ва туман тиббиёт бирлашмасида фаолият олиб бораётган БПТлар ишда аниқ самараларга эришляётгани яхши, албатта. Бироқ аксарият бошланғич ташкилотлар номигагина иш олиб борапти.

Мана, бир мисол. Туман бандликка кўмаклашувчи марказидаги бошланғич ташкилотда бундан 2 йил олдин 8 нафар партия аъзоси ҳисобга олинган бўлса, бу кўрсаткич ҳалидануз ўзгармай қолмоқда. Тутиқун маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган БПТ фаолияти хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: Негача O'zLiDeP Когон туман кенгаши му-

тасаддилари бу ҳолатга томошабин бўлиб турибдилар? Маҳаллий кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари нега сукут сақламоқдалар?

Маълум бўлишича, ўз ваколати доирасида етарли иш олиб бормагани учун ҳам айрим сиёсий партия-

лардан туман кенгашига сайланган 5 нафар депутат муддатидан олдин чакртириб олинди.

Бир сўз билан айтганда, туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир долзарб масалалар юзасидан депутатлик сўровлари билан маҳаллий ҳокимлик органига ўз вақтида чиқилмаётгани, БПТлар томонидан муаммолар ечими бўйича аниқ тактифлар билдирилмаётгани, партия сафларини ўстиришга бефарқ қаралаётгани O'zLiDePнинг нафақат туман, балки вилоятдаги обрў-эътиборига ҳам соя солмоқда. Ўйлаймики, депутатларимиз бу ҳолатдан етарли хулоса чиқариб, келажакда партиявий ишларда ҳам, депутатлик фаолияти ва назоратида ҳам кутилган натижаларга эришадилар. Акс ҳолда улар фаолиятига оид сўнгги сўзни сайловчи айтади.

ОЛТИ ОЙДА — 14 МИЛЛИАРД

Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолатоварларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга ошириляётган ишлар ҳақида журналистларга батафсил маълумот бердилар.

Соҳа мутахассисларнинг фикрича, ушбу қарорга мувофиқ жорий йилнинг 1 январидан бошлаб хориждан келтирилган истеъмолатоварларининг айрим гуруҳларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш мажбурий тарзда жорий этилган эди.

Ушбу гуруҳга 11 турдаги истеъмолатоварлари, яъни духовка, кондиционер, музлаткич, уй-рўзгор идишлари, кир ювиш машинаси, принтер, чангютгич, электр плиталар, DVD ва мусликий маркалар, монитор ва телевизор каби маиший техникалар киритилган.

Бундай тартиб биринчидан, айрим турдаги истеъмолатоварларини республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтирса, иккинчидан, сифатсиз мақсулотлар сотилишининг олдини олади.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида кондиционерлар, идиш ва кир ювиш машиналари каби маиший техникалар импортнинг кескин ошиши натижасида давлат бюджетига қўшимча салкам 14 млрд. сўм божхона тўловлари ундирилди.

Бундан ташқари, текширишлар давомида давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳисоботларини қабул қилишда қонун талабларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Жумладан, Мингбулоқ туман ДСИ бўлим бошлиғи Ф.Шаропов «Мингбулоқ Момахон» хусусий берувчи рухсатнома олиш масаласида туман ҳокимлигига қилган мурожаати қонунда белгиланган муддатда қўриб чиқилмаган. Шу сабабли туман ҳокимининг ўринбосари Б.Хамдамов мазмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларига кредит сўраб қилган мурожаатлари ҳам вилоят прокуратура идоралари то-



СИЗГА ҚАНЧА ЕР КЕРАК, ОЛИНГ!

Нижон туманида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 6 ойида 148 та тадбиркорлик субъектига 784,8 млн. сўм миқдордаги кредит ажратилди. Мисол учун, Нуристон шаҳарчасидаги «Қудрат Капитал Сервис» масъуляти чекланган жамиятига янги гишт заводини куриш учун хитойлик ҳамкорлар томонидан 300 миң АҚШ доллар миқдорда инвестиция киритилди. Бундан ташқари, тумандаги сувли ва талмикор майдонларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳам жадал олиб бориляётганини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, ўтган йиллар давомида туманда 302 та деҳқон хўжалиғи ташкил этилиб, уларга ер ажратилди. Мазкур хўжаликларда қишлоқ хўжалик мақсулотлари етиштириш билан бир каторда паррадачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлик прокуратура ҳимоясида

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда

Бу борада прокуратура органлари томонидан қўриляётган чора-тадбирлар айниқса муҳим аҳамият касб этаётди. Жумладан, Наманган вилоят прокуратураси томонидан ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, жойларда текширишларни камайитириш, турли тўсиқ ва суиистемолчиликларни бартараф этишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида вилоятдаги 179 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Шундан 3 та ҳолатда тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги ва асоссиз текшириш ўтказилганлиги, 17 та ҳолатда тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганлиги аниқланди. Ҳокимликлар ва назорат органларининг 41 та қарорларига нисбатан протест келтирилиб, улар қонунга мувофиқлаштирилди. Ўз вақтида қўриб чиқилмаган 43 та мурожаатнинг ҳал этилишига эришилган. Шунингдек, 196 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилган. Натижада 162 та қўшимча иш ўрни яратилган. Тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқмаган маҳаллий ҳокимият, давлат бошқарув ва назорат-тектириш органлари, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қатъий назорат тартиби жорий қилинганлиги бу борадаги вазиятни тубдан яхшилаш имконини бермоқда.

Мисол учун, Мингбулоқ туманидаги «Хўмоюн Баҳодиржонович» хусусий корхонаси раҳбари З.Ханайеванинг алкоғолли мақсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш масаласида туман ҳокимлигига қилган мурожаати қонунда белгиланган муддатда қўриб чиқилмаган. Шу сабабли туман ҳокимининг ўринбосари Б.Хамдамов мазмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, текширишлар давомида давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳисоботларини қабул қилишда қонун талабларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Жумладан, Мингбулоқ туман ДСИ бўлим бошлиғи Ф.Шаропов «Мингбулоқ Момахон» хусусий берувчи рухсатнома олиш масаласида туман ҳокимлигига қилган мурожаати қонунда белгиланган муддатда қўриб чиқилмаган. Шу сабабли туман ҳокимининг ўринбосари Б.Хамдамов мазмурий жазо чоралари қўлланилди.

Тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларига кредит сўраб қилган мурожаатлари ҳам вилоят прокуратура идоралари то-

монидан доимий равишда мониторинг қилиб боришмоқда. Шу асосда ажратилган кредит маблағларини ўзлаштириш билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар қўриляпти. Жумладан, «Микрокредитбанк»нинг Наманган вилояти амалиёт бўлими Уйчи минибанки бошқарувчиси Р.Шерханов хусусий тадбиркор Ф.Қўриғозова ва бошқа 37 нафар мулкдорлар томонидан кредит тўлови сифатида банкка топширилган 20 млн. сўм миқдордаги маблағларини талон-тарож қилиб, улар манфаатларига жиддий зарар етказганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши натижасига қўра, Р.Шерханов жиноий жавобгарликка тортилди.

Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан ўз вақтида тегишли чоралар қўришга прокуратура органлари ҳузурида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» ҳам муҳим аҳамият касб этапти. Жумладан, 2012 йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят прокуратураси идоралари қошидаги «Ишонч телефонлари»га 73 нафар тадбиркор мурожаат қилган. Мана, бир мисол. Косоний туманидаги «Нижол» фермер хўжалиғи раҳбари А.Халиловнинг туман МТП ДАЖга техника хизмати кўрсатиш учун олдиндан ўтказилган 636 миңг сўм маблағ қайтариб берилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати қўриб чиқилиб, шу асосда хўжалик манфаатини қўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Янгиқўрган туман прокуратураси қошидаги «Ишонч телефонлари»га «Азизбек Мафтун Фарҳон» хусусий корхонаси раҳбаридан тушган мурожаат ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Шу асосда «Агробанк» туман филиалидан корхонага 30 млн. сўм кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Умуман, вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 19 та тақдирнома киритилиб, ноқонуний қарорларга нисбатан 46 та протест келтирилди. 48 нафар мансабдор шахслар интизомий ва мазмурий жавобгарликка тортилган, етказилган 97,1 млн. сўм миқдордаги зарарни ундириш бўйича судларга 9 та даъво аризалари киритилди. Шунингдек, қўпол қонунбузилиш ҳолати юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Прокуратура органлари томонидан бу борадаги назорат тадбирлари давом эттирилмоқда. Мақсад жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очиш, тадбиркорларнинг самарали иш юритиши учун қўлай шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Бош прокуратура матбуот хизмати

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, курилишга руҳсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз — тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокуратураларининг «Ишонч телефонлари» рақамларига ёки «007» қисқа рақамга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

007 ҚИСКА РАҚАМИГА ҚЎНҒИРОҚ

(Тошкент шаҳри учун 1007)
фақат туман ва шаҳар АТС телефонларидан амалга оширилади.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

№	Прокуратура органлари	Код	Телефон
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти	8371	233-84-20
3.	Андишон вилоят прокуратураси	8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	8361	222-26-39
8.	Навий вилоят прокуратураси	8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	8371	273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	8362	227-45-71

Республикамизнинг барча туман, шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва назорат қилиш асосида қўнғироқ қилиш тизими ташкил этилган. Ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Халқаро ҳаёт

Дунёни фермерлик қутқаради

Дунё миқёсида глобал молиявий инқироз туфайли озиқ-овқат нархининг сунъий ошиши, табиий сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тақчиллиги кузатилаётгани ердан унумли фойдаланиш ва фермерлик масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этаётир

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Айниқса, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш энг долзарб масалаларга айланди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ер ресурсларига нисбатан инсон омилнинг салбий таъсири оқибатида улкан майдонларда чўлланиш, тупроқнинг шўрланиш жараёни юзага келди.

Соҳа мутахассислари таъкидлаётганларидек, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масала ҳақиқатан ҳам бутун бир сайёра муаммосига айланди. ЮНЕСКО маълумотларида ҳам қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг 6-7 миллион гектари деградацияга учраб, муомаладан чиқарилган алоҳида таъкидланмоқда. Собиқ иттифоқ даврида йўл қўйилган хатолар, ерга нисбатан ўғай муносабат эса республикамиз учун ҳам ана шундай муаммоларни келтириб чиқарди.

Хўш, ана шундай ҳолатда мазкур муаммонинг ечими нимада? Соҳа мутахассислари бунинг учун, энг аввало, соҳага оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фан ютуқлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш, экинларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва уни соғломлаштириш учун тупроқнинг органик моддага бўлган талабини ҳисобга олиш лозимлигига ургу бераяптилар.

Маълумки, Америка фермерлик тизимига асос солинганга 180 йил тўлди. Биргина

Калифорния штати энг юқори пахта ҳосили етиштириш ва меҳнат унумдорлиги бўйича дунёда ажралиб турибди. Бу ерда 300 минг гектар ердан ўртача гектаридан 45-46 центнердан пахта олинади. Шу билан бирга Америка паррандачилик маҳсулотларини етиштиришда ҳам дунёда энг юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Маҳаллий фермерлар биринчи ўринда илгор технологияларни ўзлаштирган бўлсалар, иккинчиси паррандачилик маҳсулотларини ишбилармонларга қайта ишлашни йўлга қўйганлар. Ҳақиқатан ҳам, океанорти мамлақати фермерларининг дунё иқтисодийотидаги ўрни юқори. Шунинг учун ҳам бутун дунёда

ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари, озиқ-овқат дўконларига бўлинади. Мамлакатнинг учдан бир майдонда етиштирилган маҳсулотлар фақат экспорт мақсадида, яъни Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкасининг бир қатор давлатларига жўнатиш учун етиштирилади.

Маҳсулотлар таннархининг арзонлиги эса нафақат америкаликларга, балки чет эллик истеъмолчилар учун ҳам фойда келтиради.

Бутун АҚШ аграр тизимида 300 миллионли аҳолининг камидан уч фоизи банд. Бунинг ҳисобига 25-30 миллион атрофидаги аҳоли иш билан, бутун

МУТАХАССИСЛАР БУНИНГ УЧУН, ЭНГ АВВАЛО, СОҲАГА ОИД ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ, ЭКИНЛАРНИ ТЎҒРИ ТАНЛАШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ, ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ УЧУН ТУПРОҚНИНГ ОРГАНИК МОДДАГА БЎЛГАН ТАЛАБИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЛОЗИМЛИГИГА УРГУ БЕРАЯПТИЛАР.

етиштирилаётган дуккаклилар, соя ва макканинги ярми, пахта, галла ва тамакининг 10 фоиздан 25 фоизгачаи Америка фермерлари ҳиссасига тўғри келади. Америка иқтисодийотида қишлоқ хўжалиги ҳамма параметрлар бўйича йирик бизнес ҳисобланади. Ҳатто қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йириклиги боис «Агробизнес» термини билан аталади.

«Агробизнес» фермерлар кооперативлари, қишлоқ банклари, қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналари, истеъмол моллари савдоси билан шугулланувчи компаниялар, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари

мамлакат эса арзон маҳсулот билан таъминланган. АҚШ аҳолини рўйхатга олиш Бюроси маълумотида қараганда, фермерларнинг атиги 9 фоизи ерни ижрага олиб ишлатса, 90 фоиздан кўпроғи ерга тўла ёки қисман эгалик қилади. Мулкдор бўлган ва ўз меҳнати самараларидан манфаатдор бўлган фермерлар бозорини турли маҳсулотлар билан таъминлайдилар.

Давлат солиқ тизими ҳам мамлакат фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. 1988 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги даромадидан олинган солиқ ставланувчи компаниялар, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари



фоиз (олдин 11 фоиздан 50 фоизгача бўлган) атрофида белгиланган. Даромади 50000 доллардан ошмайди фермер фермерлари ҳиссасига тўғри келади. Америка иқтисодийотида қишлоқ хўжалиги ҳамма параметрлар бўйича йирик бизнес ҳисобланади. Ҳатто қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йириклиги боис «Агробизнес» термини билан аталади.

Давлат солиқ тизими ҳам мамлакат фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. 1988 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги даромадидан олинган солиқ ставланувчи компаниялар, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари

банд бўлса, мавсумий ишларга 850 миллион фуқаро жалб этилади. Бу кўрсаткич Россия, Япония, Англия, Франция, Германия, Италия ва Мексикани қўшиб ҳисоблаганда ҳам 6 баробар кўпдир. Бутун Хитой пнёз, имбир ва саримсоқлиёз етиштириш бўйича ҳам дунёда биринчи ўринга чиқиб олди.

2006 йилда дунё миқёсида 600 минг гектарга пнёз, 500 минг гектарга имбир ва 1,2 миллион гектарга саримсоқлиёз экилган бўлса, бу кўрсаткич Хитойнинг ўзида 540 минг, 240 минг ва 770 минг гектарни ташкил этган. Financial Times газетасининг хабар беришича, Хитой озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакат ташқарисидан яроқли ерларни сотиб олишни мўлжалламоқда. Бу билан фермерлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва четга маҳсулот чиқаришни кафолатлашга уринмоқдалар.

Хитой компаниялари айни пайтда Африка ва Лотин Америкасидаги унумдор ерларга кўз тикаяптилар. Албатта, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат банклари ва инвестиция фондлари томонидан кредитлар ажратилади.

Financial Times таҳлиliga кўра, Хитой миллий қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини тўлиқ таъминлай олмайдди. Шунинг учун режалаштирилаётган мамлакатлардан қўшимча ер сотиб олиш билан биргаликда Хитойдан аграр соҳадаги фермерлар ҳам шу мамлакатларга юборилади. Шунингдек, Хитой шили етиштиришда ҳам биринчи ўринда туради. Айтиш жоизки, шили дунёнинг 115 дан зиёд мамлакатда 155 миллион гектарга яқин майдонга экилади. Унинг маҳсулоти бўлмиш гуруч қарийб 3 миллиард киши-

нинг асосий озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Ҳар йили ўртача 600 миллион тонна, яъни дунё бўйича киши бошига тахминан 100 килограммдан шили етиштирилади.

Ялли шили етиштириш бўйича жаҳонда Хитой (290,2 млн. тонна ёки 31,8%) — биринчи, Ҳиндистон (134,2 млн. тонна ёки 22,4%) — иккинчи, Индонезия (51 млн. тонна ёки 8,5%) — учинчи ўринда туради.

Маълумки, бундан эллик йил муқаддам Исроилда барча озиқ-овқат маҳсулотлари картотка тизими орқали тарқатилар, аксарият маҳсулотлар гуламатар ёрдам сифатида бошқа мамлакатлардан олиб келинади. Бироқ қишлоқ хўжалигига юқори технологияларнинг жорий этилиши, сувни четдан импорт қиладиган мамлакатда томчилаб суғориш усулининг жорий этилиши, фермерларга кўрсатилган амалий ёрдам ўз самарасини берди. Бутунги кунда Исроил озиқ-овқат билан ўзини тўла таъминлабгина қолмай, ҳар йили ярим миллиард доллар атрофида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Аслида Исроил давлати майдони 21 минг квадрат километр бўлиб, майдоннинг тенг ярми саҳро, маълум бир қисми тоғ, ади ва ўрмондан иборат, деҳқончилик қилиб ҳайдаладиган ерлар эса 4370 квадрат километрни ташкил этади.

Мамлакатда деҳқончиликка яроқли ерлар жуда кам бўлган ҳолда сув ундан ҳам кам. Бу эса аграр соҳада энг илгор технологияларни қўллаш, ердан, сувдан унумли фойдаланиш заруриятини тудиради. Ана шундай имкониятларнинг ишга солиниши туфайли мамлакатда, айниқса, гул етиштириш тар-

моғи гуллаб-яшнамоқда. Бир неча йил олдин Исроилда 2 минг гектар майдонда 1,4 млрд. донга гул етиштирилган.


Гулларнинг асосий қисми иссиқхоналарда, компьютерлар ёрдамида сунъий иқлим яратилган ҳолда етиштирилади. Яна шундай технологиялар яратилганки, улар орқали ўсимликлар танасидаги барча ўзгаришлар назорат қилинади.

Фермерлик энг кўп самара келтираётган мамлакатлардан яна бири Янги Зеландиядир. Европа Иттифоқи стандартларига жавоб берадиган бу тизимда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60 фоизи етиштирилади. Чорвачилик, боғдорчилик, виночилик ва ўрмончилик маҳсулотлари миллий иқтисодиётнинг асосий устунларидан саналади. Тадқиқотчилик ишланмалари ва замонавий технологиялар Янги Зеландия аграр маҳсулотлари рақобатбардошлигини ва халқаро майдонда унга бўлган юқори сўровни таъминлайди.

Айтиш жоизки, Янги Зеландия қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланган давлатларнинг кўпчилиги учун ноёб саналади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат томонидан фермер бозорларда давлатдан субсидия оладиган бошқа мамлакатлардаги фермерлар билан мустақил равишда рақобатлашадилар. Шунинг учун ҳукумат халқаро иқтисодий форумларда ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ўтказилган фермер хўжаликларига ҳеч қандай дотация беримайди. Шу боис янги зеландиялик фермерлар халқаро бозорларда давлатдан субсидия оладиган бошқа мамлакатлардаги фермерлар билан мустақил равишда рақобатлашадилар. Шунинг учун ҳукумат халқаро иқтисодий форумларда ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ўтказилган фермер хўжаликларига ҳеч қандай дотация беримайди. Шу боис янги зеландиялик фермерлар халқаро бозорларда давлатдан субсидия оладиган бошқа мамлакатлардаги фермерлар билан мустақил равишда рақобатлашадилар. Шунинг учун ҳукумат халқаро иқтисодий форумларда ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ўтказилган фермер хўжаликларига ҳеч қандай дотация беримайди. Шу боис янги зеландиялик фермерлар халқаро бозорларда давлатдан субсидия оладиган бошқа мамлакатлардаги фермерлар билан мустақил равишда рақобатлашадилар. Шунинг учун ҳукумат халқаро иқтисодий форумларда ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ўтказилган фермер хўжаликларига ҳеч қандай дотация беримайди.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

ҲИНДИСТОННИНГ ЧИРОҒИ ЎЧДИ



Ҳиндистон электр энергияси тизимида рўй берган фалокат оқибатида Панжоб, Харьяна, Химачал-Прадеш, Уттар-Прадеш, Ражастхан, Жамму ва Кашмир, Фарбий Бенгалия, Бихар, Орисса, Жаркханд, Уттаракханд, Ассам ва Сикким штатларидаги 600 млн. аҳоли электр энергиясиз қолган. Нативжада кўчалардаги светофорлар ишламаяпти, одамлар автомобиль тартибсизлигидан нолимоқдалар. Шу туфайли ҳукумат, энг аввало, ушбу ҳудудлардаги касалхона ва транспорт тизимида электр энергияни қайта тиклашга жиддий эътибор қаратаяпти.

МЕХИКО ЕР ҚАЪРИГА ЙЎЛ ОЛМОҚДА



Маълумотларга кўра, Жанубий Американинги кўзга кўринган давлатларидан бири ҳисобланган Мексика пойтахти чўкиб бормоқда. Мутахассислар томонидан бунга Мехикога йирик геологик ҳавза қурилиши асосий сабаблардан бири бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ўтган асрнинг бошларидан буён шаҳар қарийб ўн беш метрга чўккан. Айни пайтда эса Мехикодаги тўрт юзга яқин ҳудуд хавфли зона деб эълон қилинган. Маълум бўлишича, агар зарур чоралар кўрилмаса, минглаб турар-жой бинолари вайрон бўлиши, одамлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

ЯНГИ ДИЗАЙНДАГИ ВАЛЮТА



Бразилияда янги дизайндаги, ҳатто кўзи ожизлар пайпаслаб кўрганда ҳам қийматини билиш мумкин бўлган пул муомалага чиқарилди. Мамлакат Марказий банки вакилларининг таъкидлашича, янги дизайндаги мазкур валюта 2014 йилда тўлиқ муомалага киритилади. Урни келганда яна бир маълумотни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бразилия миллий валютаси ҳисобланган «реалда» кўпинча мазкур мамлакатда учрайдиган жониворлар сурати акс эттирилади.

«НОКИА» ДАН КЎНГИЛСИЗ ХАБАР



Мобиль телефонлар ишлаб чиқарувчи машҳур «Нokia» компанияси жорий йилнинг сентябрь ойидан Финляндиянинг Сало шаҳридаги заводи фаолиятини тўхтатишини маълум қилган. Эндиликда бундай русумдаги алоқа воситалари фақат Шарқий Осиё мамлакатларида ишлаб чиқарилади. Агар завод ёпилса, 780 киши ишсиз қолади. Компания жорий йилда ўзининг Германия ва Канададаги илмий марказлари фаолиятини ҳам тўхтатган эди. Таъкидлаш жоизки, Финляндия ушбу компаниянинг ватани ҳисобланади. Мамлакатнинг Эспоо шаҳрида «Нokia»нинг штаб-квартираси жойлашган.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborot21asr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

Сўнги саҳифа

Хабарлар



ШИРКАТЛАР САЙТГА КИРИТИЛАЯТТИ

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги таркибида ташкил этилган Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази — «UZINFOCOM» томонидан турар-жой масалалари ва коммунал хўжалиги хизматларини ёритувчи йирик сайт, яъни портал ишга туширилди.

— Ҳозирча тест тизимида фаолият кўрсатаётган e-portal.uz портали тўлиқ ишга тушган, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари сайт ёрдамида ўз иш жараёнларини, хусусан, ҳужжатларни қидириш, сақлаш ва жўнатишни автоматлаштириш, бу орқали қимматли вақтларини тежаш имконига эга бўлади, — деди ана шу портал тақдирини бағишлаган матбуот анжуманида «UZINFOCOM» маркази директори ўринбосари Файратхўжа Сайдалиев. — Бундан ташқари, ширкат аъзолари портал орқали коммунал хизматлар бўйича қардорлик ҳолати ва тўловлар тарихига оид маълумотларни ҳам олишлари мумкин.



НЕГА «ОҲАЛИК ОЛТИН БОҒИ МЕВАСИ» АРЗОН?

Соҳа мутахассисларнинг фикрича, маҳаллий усулда яратилган боғ 10 йилда фойда келтира бошласа, интенсив боғда 3 йилдан сўнг даромад олиш мумкин. Шундай боғлардан бири Самарқанд туманидаги «Оҳалик олтин боғи меваси» фермер хўжалиги ҳудудида барпо этилди. Бир неча йил аввал қаровсиз ва самарасиз экинзор сифатида фойдаланилган ер майдонининг 527 гектари фермер ихтиёрига ўтган, унинг 113 гектариди янги усулда боғ яратилди. Айни пайтда интенсив боғда Грециядан келтирилган пакана ва ярим пакана гилос, олхўри, шафтоли ҳамда олма кўчатлари парваришланмоқда.

— Юртбошимиз томонидан бежизга интенсив боғларни яратилган жиддий эътибор қаратилмаган экан, — дейди фермер хўжалиги раиси Дилмурод Саломов. — Бунинг самарасини амалиётда қўриб туришимиз. Аввало, сув тежалди, даракларга ҳам бир меъёрга сув етиб боради. Хусусан, маҳаллий усулда бир гектар ерни сугориш учун минг куб метрда сув сарflanса, фермер хўжалигимиз ишчилари хориждан келтирилган сугориш тизими ёрдамида бор-йўли 70 куб сув ишлатмоқдалар.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА

Қутлуғ байрамга муносиб туҳфа

Самарқандда «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасининг MAN катта юк автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири



ЎЗБЕКИСТОННИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА 2009 ЙИЛ АВГУСТ ОИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «JV MAN AUTO-UZBEKISTAN» ҚЎШМА КОРХОНАСИ «УЗАВТОСАНОАТ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ВА ДУНЁГА МАШХУР «MAN TRUCK & BUS AG» КОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИГИ МАҲСУЛИДИР.

Ҳасини амалга оширишга қилинди. Лойиҳа бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Унинг биринчи босқичида «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси «Узавтосаноат» акциядорлик компанияси ва дунёга машҳур «MAN Truck & Bus AG» компанияси ҳамкорлиги маҳсулидир. Мазкур қўшма корхона фаолияти Самарқанд автомобиль заводи ҳудудида MAN автомобилларини ишлаб чиқариш билан бошланган эди.

2011 йилдан «MAN автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси» лойи-

ҳасини амалга оширишга қилинди. Лойиҳа бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Унинг биринчи босқичида «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси «Узавтосаноат» акциядорлик компанияси ва дунёга машҳур «MAN Truck & Bus AG» компанияси ҳамкорлиги маҳсулидир. Мазкур қўшма корхона фаолияти Самарқанд автомобиль заводи ҳудудида MAN автомобилларини ишлаб чиқариш билан бошланган эди.

2011 йилдан «MAN автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси» лойи-

кинчи босқичи бўлиб, у бир йилда 5 минг юк машинаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонанинг иккинчи йиғув линияси ишга тушган, бу ерда 10 мингтагача автомобиль ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

— Мазкур заводнинг ишга тушурилиши Ўзро ҳамкорлигимизнинг мантқий давомидир, — дейди «MAN Truck & Bus AG» директорлар кенгаши аъзоси Франк Хиллер. — Ўзбекистонда хорижий инвесторлар фаолияти учун барча қулайликлар яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Уйлайманки, ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораверади.

Тадбир қатнашчилари корхонада амалга оширилган қурилиш ва жиҳозлаш ишлари, ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқов, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

ҲИЛОЛ ҚИШЛОҒИ ЁШЛАРИГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Умумий қиймати 301 млн. 300 минг сўмлик янги мактаб биносининг қурилиши тумандаги «Бўриева Нилуфар Лочинова» кўп тармоқли ихтисослашган хусусий корхона қурувчилари томонидан амалга оширилди. Айни пайтда 160 ўринга мўлжалланган 31-мактабда сўнги пардозлаш ва ўқув жиҳозлари билан таъминлаш ишлари якунланаётган бўлса, Миришкор туманидаги Чандир қишлоғидаги 33-мактабда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан спорт зали бунёд этилмоқда. 12x24 метр ўлчамдаги ушбу спорт иншооти учун 307 млн. 980 минг сўм маблағ сарфлаш қўзда тутилган. Пудратчи ташкилот — «Максимал қурилиш таъмир сервис» корхонаси қурувчилари сўнги пардозлаш ишларини бажаришяпти. Спорт зали мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.



Зоомагазин сотувчиси харидорга тушунтираяпти. — Агар тошбақага яхши қарасангиз, у 200 йил ҳам яшаши мумкин. — Бир сиёб кўрарканманда...

Аммо бугун мамлакатимизда тез-тез ўзгараётган об-ҳаво шароитлари одамлар тугул жониворларга ҳам таъсир этмай қолмаяпти. Гидрометеорология маркази хабарига кўра, мамлакатимизда 2-9 август кунлари ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади, ёгингарчилик кутилмайди. **Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида** ҳаво бироз булутли бўлиб туради. Ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 2 августда 31-36, 3-5 август кунлари 33-38 даража иссиқ бўлади. **Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида** ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида** ҳам ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида** термометр кўрсаткичлари кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлишини кўрсатади. **Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида** ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с. тезликда эсади, 2-3 август кунлари баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Республиканинг тоғли ҳудудларида** ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 2-4 августда 9-14, кундузи 19-24, 5 августда кечаси 12-17, кундузи 22-27 даража илиқ бўлади.

«Ёз-2012»

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қийрай» соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг мароқли хордик чикариб, саломатлигини тиклаши учун барча шароит яратилган. Шу кунларда сўлим оромгоҳда 497 ўғил-қиз таътили унутилмас таассуротлар билан ўтказмоқда. Таътир санъат, шахмат-шашка, мусиқа ва тикувчилик, фотография йўналишларида тўғараклар ташкил этилиб, турли спорт мусобақалари, концерт ва бошқа кўнгилочар тадбирлар болаларга бир олам завқ улашмоқда. Ёз мавсуми давомида бу ерда темир йўл тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг 1700 нафар фарзанди дам олиши режалаштирилган.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

ЭЪЛОН

2012 йил 4 июль кунин Косон хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг K2400940-рақамли тоза диплом бланкаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Реклама

КСИМЕЛИН®

Ксилометазолин

- Равонро ороётган ёки сезилмаган нос, обсекинат доғиза носовая пазуқ и полости среднего уха
- Эффективна уменьшает риск развития осложнений
- Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов
- В отличие от сосудосуживающих препаратов действует на причину заболевания, а не только снимает симптомы
- Точное дозирование исключает передозировку
- В отличие от сосудосуживающих препаратов не вызывает привыкания, не вызывает сухости в носу, не раздражает слизистую оболочку

Показания к применению: Острое респираторное заболевание с воспалением слизистой оболочки полости носа, среднего уха, острого отита, острого среднего отита в острой фазе заболевания. Противопоказано в детском возрасте, индивидуальная непереносимость и аллергия на компоненты препарата.

Йодомарин®

Капли Йода

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® (йод) — препарат, являющийся источником йода, который необходим для нормальной работы щитовидной железы. Йодомарин® способствует укреплению иммунитета, улучшает память и внимание, а также предотвращает развитие заболеваний, связанных с дефицитом йода.

Берлин-Хемия Менарини

БЕРЛИН - CHEMIE MENARINI

